2 9 АПР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 82 (20. 949) 1991 йил 27 апрель, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1991 йил 25 апрель куни Пленумда мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни таҳлилдан чиқариб олиш йўллари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда: РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков, Бошқирдистон АССРдаги Мелеуз кимё заводининг оператори Г. М. Абельгузин, Вильнюсдаги Октябрь 60 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори О. О. Бурденко, Нижний Новгород шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. Н. Мальцев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбоев, Ленинград вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Н. Н. Кораблев, КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов, Тинч океан флотининг қўмондони Г. А. Хватов, Доғистон АССРдаги Оржоникидзе номли колхоз раиси М. А. Чартаев, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. П. Рубикс, Туркманистон ССР Бош вазири Ҳ. Аҳмедов, РСФСР Компартияси Марказий Комитети Котибияти ҳузуридаги сиёсий таҳлил ва тахмин марказининг раҳбари А. А. Пригарин, Шарқий Сибирь темир йўли Иркутск саралаш станцияси локомотив депосининг электровоз машинисти В. П. Сапачев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов, Кемерово вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. М. Зайцев, Украина Компартияси Херсон вилоят Каховка шаҳар комитетининг биринчи котиби А. П. Сингач, РСФСР Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси Н. С. Столяров, СССР Олий Кенгашининг аъзоси, ёзувчи Р. А. Медведев, СССР илмий-саноат уюшмасининг президенти А. И. Вольский, СССР Хавфсизлик Кенгашининг аъзоси В. В. Бакатин, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг доцент А. В. Бузгалин, СССР деҳқонлар уюшмасининг раиси, Тула вилоятидаги «Новомосковское» деҳқончилик-саноат бирлашмасининг раиси В. А. Стародубцев, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг кафедра мудири А. А. Сергеев, Ереван давлат университетининг амалий социология кафедрасининг мудири, СССР Олий Кенгашининг аъзоси Л. А. Арутюнян, СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Олейник, КПСС Марказий Комитетининг котиби В. А. Купцов сўзга чиқдилар.

Музокаралар чоғида М. С. Горбачев Пленум қатнашчиларининг айрим нутқлари муносабати билан ўзининг КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимидан истеъфога чиқиши тўғрисидаги масалани қўйди. Бу масала Марказий Комитет Сиёсий бюросида кўриб чиқилгандан сўнг Пленум буйдай қарор қабул қилди: «Мамлакатнинг, халқнинг, партиянинг олий манфаатларини кўзда тутиб Михаил Сергеевич Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимидан истеъфо бериши тўғрисидаги таклифи кўриб чиқилмасин».

СССР Бош вазири В. С. Павлов Пленум қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Е. С. Строев Пленумда ташкил этилган Таҳририят комиссиясининг номидан сўзга чиқди.

Тушган таклифлар ҳар томонлама кўриб чиқилгач, муҳокама ўтказилгандан сўнг «Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни таҳлилдан чиқариб олиш йўллари тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Пленум «Коммунистларнинг халқ депутатлари Советларидаги иши тўғрисида» қарор, Халқаро бирдамлик куни — Биринчи май муносабати билан совет халқига мурожаатнома, шунингдек Чернобиль авариясининг беш йиллиги муносабати билан мурожаатнома қабул қилди.

Пленум Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Д. Б. Омонбоевни КПСС Марказий Комитети таркибига киритди ва уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси этиб сайлади. Молдова Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Г. И. Еремей билан умумармия партия комитетининг котиби М. С. Сурков сиёсий бюро аъзолари этиб сайландилар.

Пленум А. М. Масалиевнинг Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби сифатидаги фаолияти тўхтагаплиги муносабати билан уни Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзоси вазифасидан озод қилди.

О. Д. Бакланов СССР Президенти ҳузуридаги Мудофаа кенгаши раисининг ўринбосари этиб тасдиқлангаплиги муносабати билан у КПСС Марказий Комитетининг котиби вазифасидан озод қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг котиби М. В. Фалин КПСС Марказий Комитети Халқаро сиёсат муаммолари комиссиясининг раиси этиб тасдиқланди.

Марказий Комитет Пленуми С. С. Шаталин КПСС аъзолигидан чиққанлиги учун уни КПСС Марказий Комитети таркибидан чиққан деб ҳисоблаб қарор қабул қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми шу билан ўз ишини якунлади.

КПСС МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИ

23 апрель куни КПСС Марказий назорат комиссиясининг пленуми бўлди, унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленум Б. К. Пугонинг илтимосини қондирди ва у СССР ички ишлар вазири этиб тасдиқланиши муносабати билан ҳамда берган аризасига мувофиқ уни КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси ва шу комиссия раёсатининг аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Пленум Е. Н. Маховни КПСС Марказий назорат комиссияси раисининг вазифасини бажарувчи этиб тайинлади ва уни КПСС Марказий назорат комиссияси раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод қилди.

Пленум СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. И. Гриенкони ва КПСС Ленинград вилоят ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси Н. Н. Кораблевни КПСС Марказий назорат комиссияси раёсатининг аъзолари қилиб сайлади.

Пленум Е. Н. Маховнинг КПСС Марказий назорат комиссияси аъзоларининг комиссия ишида қатнашиши тўғрисидаги ахборотини тинглади. Пленум қатнашчилари назорат органларининг ҳозирги вазиятдаги вазифалари тўғрисида фикр алмашдилар, КПСС Марказий назорат комиссияси фаолиятининг муайян йўналишлари бўйича унинг ишини кучайтиришга қаратилган таклифларни айтдилар. Пленум ишида иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари назорат (тафтиш) комиссияларининг раислари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси қўшма Пленумининг Чернобиль авариясининг юз берган кунга беш йил тўлиши муносабати билан қилган

МУРОЖААТНОМАСИ

Чернобиль атом электр станциясида фожиали авария юз берганига беш йил бўлди. Бу авария натижасида жаҳонда энг катта ядро ҳалокати юз берган эди.

Кулфат миллионлаб одамлар ҳаёти ва саломатлигига таъсир қилди, унинг ҳалокатли таъсири яна кўп йиллар мобайнида сезилиб туради. Бу оғир бахтсизликка беш йил тўлган кунда биз ҳалок бўлганлар хотираси олдида бош эгамиз, ундан жабрланган барча кишиларга чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Юз берган ҳалокат миқёси идрок этилган, авария оқибатларини тугатиш юзасидан давлат дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Халқаро ҳамжамият мамлакатимизга инсонпарварлик ёрдами кўрсатмоқда. Ҳозирги танг вазиятда партия комитетлари, коммунистлар жабрланган аҳолини тиббий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун маблағ ва имкониятлар қидириб топишга интилишмоқда.

Пленум Иттифоқ ва маҳаллий ҳокимият идораларига, давлат, жамоат ва хўжалик ташкилотларига. олимларга ва шифокорларга мурожаат қилиб, уларни ҳалокат оқибатларини тугатиш муаммоларини ҳал этиш ҳамда бу оқибатларни мумкин қадар юмшатиш учун қўлидан келган барча ишни қилишга даъват этади.

Чернобиль фожиаси сабоғидан хулосалар чиқариб олиш, бу умуммиллий муаммони ҳал этишга ҳар томонлама ёрдам бериш бизнинг маънавий бурчимиздир.

(ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг барча мамлакатлар ҳукуматлари ва жаҳон жамоатчилигига

МУРОЖААТИ

Чернобиль фожиаси ўтмишга айлангани йўқ. Унинг кўламлари, қанча вақт давом этиши ва оқибатлари шундайки, башарият ҳамжамияти шу фалокат келтириб чиқарган ижтимоий, тиббий ва руҳий муаммоларнинг жаҳоншумул миқёсларини эндигина тўлароқ англаб етмоқда.

Авариядан кейин ўтган беш йил ичида Совет Иттифоқида унинг оқибатларини зайфлаштиришга қаратилган куч-ғайратлар кўп баравар ортди. Улар кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларнинг ягона Иттифоқ-жумҳурият дастури доирасида мужассамлаштирилган бўлиб, бу дастур Россия, Украина ва Белоруссиянинг шундай дастурларини ўз ичига олган.

Фалокат оқибатларига қарши кураш самаралари жаҳондаги кўпгина мамлакатлар биргаликда ҳаракат қилишса, кескин даражада ортиши шу йиллар ичида равшан бўлиб қолди. Биз Чернобиль муаммосини ҳал этишда халқаро ташкилотларнинг иштирок этиши масалалари кенг муҳокама қилинганлиги учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош котиби жаноб Перес де Куэльярга миннатдорчилик билдирамиз ҳамда шу муҳокамадан сўнг амалга оширилган аниқ-равшан ишларни юқори баҳолаймиз. БМТ Бош Ассамблеяси 45-сессиясининг қарорига мувофиқ БМТнинг Чернобиль мувофиқлаштириш комитети тузилди ва у фаол иш бошлади.

Биз жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва унинг бош директори доктор Х. Накажиманинг жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Чернобиль авариясининг тиббий жиҳатларини ўрганиш юзасидан кенг миқёсли ва узоқ муддатга мўлжалланган халқаро дастурни ишлаб чиқиш ҳамда СССРда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг радиация-табобат муаммолари халқаро марказини таъсис этишга доир кучғайратларини юқори баҳолаймиз.

СССР бу юксак инсонпарварлик ташаббуси жуда муҳим аҳамиятга молик деб ҳисоблаб, унга зарур маънавий ва моддий мадад берди ва бундан буён ҳам ана шундай мадад бераверади. Ушбу дастурнинг келажаги кўп жиҳатдан халқаро кооперацияга, олимларнинг, мутахассисларнинг куч-ғайратлари, тажрибаси ва билими, кўпгина мамлакатларнинг моддий ресурслари бирлаштирилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мен жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳомийлигида бажарилаётган халқаро дастурни амалга оширишда ақл-заковат кучлари билан ва молиявий иштирок этишни таклиф қилиб, барча мамлакатларнинг ҳукуматларига, халқаро, миллий ва жамоат ташкилотларига, барча холис ниятли кишиларга мурожаат қиламан. Бу дастурни амалга ошириш натижаларидан бутун инсоният манфаатлари йўлида фойдаланилади.

СССР Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
1991 йил 25 апрель.

КОММУНИСТЛАР! ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ — САМАРАЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ, ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШ АСОСИДА СОВЕТ КИШИЛАРИГА МУНОСИБ ТУРМУШНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЖИПСЛАШАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1 Май Чақириқларидан).

Сиз суратда кўриб турган бу йигит Большевик районида ги «ВЛКСМ — 60 йиллиги» давлат хўжалигининг 2-агроучасткасида меҳнат қилади. Бригада аъзоларининг бу йилги режаси улкан. Улар 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллашяпти.

СУРАТДА: механизатор Абдуҳошим БУРОНОВ. У кунига 7—8 гектар ерга чигит қадаб, пешқадамликни қўлдан бермаётир.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

ФОЙДА ЯНА КЎПАЯДИ

Бугунги куннинг асосий талаби халқ эҳтиёжларини қондириб боришдан иборат. Буни обдон мулоҳаза қилган Қорақалпоғистондаги Беруний агросаноат комбинати раҳбарияти аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан кўпроқ таъминлаш йўлини тутмоқда. Ўз навбатида бу корхона оладиган фойда ҳажмини ҳам оширишга ёрдам берябти.

Корхонада маҳсулот тайёрлаш турлари кўпайиб бориши билан бирга ишчилар сафи ёшлар ҳисобига кенгаймоқда. Ж. Йўлдошев, А. Отажонов, Р. Сеитжонов, А. Аметов, Р. Ўрозимбетова, А. Машарипова, А. Абдалов каби тажрибали ишчи-мутахассислар корхона иқтисодий-техника кўрсаткичларини яхшилашга муносиб шахсий ҳисса қўшишдан ташқари ёш ишчиларга касб ўргатишда ҳам ибрат бўлишмоқда.

Бу ерда асосий иш жараёнлари механизация ёрдамида адо этилади. Ишни бу тарзда ташкил этиш нон ва булка, кондитер маҳсулотлари, колбаса тайёрлаш таннархини арзонлаштиришга ёрдам бермоқда. Ишлаб топилган фойданинг асосий қисми ишчиларнинг моддий-маиший эҳтиёжларига сарфлана бошлади. Корхонада яқинда чанқоқосди ичимликлар, музқаймоқ ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

АФҒОНИСТОН ЖУМҲУРИЯТИДА БАЙНАЛМИЛАЛ БУРЧИНИ БАЖАРГАН ШАХСЛАРНИ, УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ, СССРДАН ТАШҚАРИДАГИ МАҲАЛЛИЙ МОЖАРОЛАРНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШИ ВА МАИШИЙ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

Афғонистон жумҳуриятида байналмилал бурчини бажарган шахслар, уларнинг оила аъзолари, СССРдан ташқаридаги маҳаллий можароларнинг бошқа қатнашчилари учун ҳаётий муҳим бўлган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан давлат идоралари кўраётган чора-тадбирлар мутлақо етарли эмас. Уларнинг уй-жойга, малакали тиббий ёрдамга, сифатли протезлашга эҳтиёжлари тўла-тўкис таъминланмаяпти. Бу шахслар ишга жойлашишда, касб ўрганишда, малака оширишда жиддий қийинчилик сезмоқдалар.

СССР халқ депутатлари иккинчи съезди қарорида кўзда тутилган Афғонистондаги совет қўшинлари қисмлари таркибига кирган собиқ ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларнинг, шунингдек ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг ҳаёти ва турмушини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқиш асоссиз равишда чўзилиб кетди.

Бу масалаларни сира кечиктирмай ҳал қилиш байналмилал бурчини бажарган шахсларни мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгартишлар ишига фаол жалб этишга ёрдам беради.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб қарор қиламан:

1. Қайд этилсинки, СССР ҳукумати афғон воқеалари қатнашчиларининг турмуши ва маиший шароитини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқишни асоссиз равишда чўзиб юборди. СССР Вазирлар Маҳкамаси бу дастурни тайёрлашни 1991 йил 1 июнгача ниҳоясига етказсин.

Ўртоқ В. С. Павлов бу масалани шахсан назорат остига олсин.

2. СССР Вазирлар Маҳкамаси СССР Олий Кенгашининг байналмилалчи жангчилар ишлари комитети иштирокида давлат дастури тасдиқлангунга қадар қўйидаги масалаларни биринчи галдаги тадбирлар сифатида кўриб чиқсин:

Афғонистон жумҳуриятидаги қўшинлар таркибига кирган шахсларнинг, шунингдек ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ижтимоий-сиёсий муаммолари, уларни тиббий ва руҳий жиҳатдан соғломлаштириш билан шуғулланувчи илмий-методик марказни ташкил этиш;

байналмилал бурчни адо этган кишиларга касб-кор ўргатиш, қайта таълим бериш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек уларга бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишбилармонлик асосларини ўргатиш, шу жумладан мамлакатдаги ва чет эллардаги йирик илмий марказларда тажриба ўргатиш чора-тадбирлари системасини ишлаб чиқиш;

сифатли протез-ортопедия ёрдами бериш, шу тариқа 1993 йилгача собиқ байналмилалчи жангчилар орасидаги барча ногиронларни ҳаракат воситалари билан таъминлаш, шу мақсадлар учун зарур валюта маблағлари ажратишни кўзда тутиш;

СССРдан ташқарида байналмилал бурчни адо этган кишилар турмуши ва маиший шароитини яхшилаш учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ажратадиган маблағларни бирлаштириш ҳисобига уларга ёрдам жамғармасини вужудга келтириш;

давлат идораларининг кўмаги билан ёки афғон воқеалари қатнашчилари уюшмалари ва уларнинг бошқа кўнгилли бирлашмалари томонидан ташкил этиладиган корхоналарнинг самарали хўжалик фаолияти учун шароит яратиб бериш, уларга биринчи навбатда моддий ресурслар ажратиш, давлат буюртмалари, узоқ муддатли қарз билан таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятда кўмаклашиш;

мазкур шахсларнинг турмуши ва маиший шароитини яхшилаш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратлари мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун, давлат-жамоат ёрдам дастурларини амалга ошириш воситасини вужудга келтириш, уларни фойдали ижтимоий-сиёсий ва хўжалик фаолиятига жалб қилиш учун СССР чегарасидан ташқарида байналмилал бурчни адо этган шахслар ишлари билан шуғулланувчи давлат идорасини тузиш.

3. СССР Хавфсизлик Кенгаши "Афғонистон Жумҳуриятида асирга тушиб қолган ёки бедарак йўқолган совет фуқароларини қидириб топиш, озод қилиш ва Ватанга қайтариш соҳасида манфаатдор вазирликлар, бошқа идоралар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Байналмилал бурчни адо этиш чоғида яраланиш, шикастланиш, майиб бўлиш ёки касалга чалиниш оқибатида биринчи гуруҳ ногиронлари бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчиларга тиббий ёрдам ва парваришни яхшилаш мақсадида зарур иш стажи бўлган тақдирда ва ёшидан қатъи назар, отаси ёки онасига, рафиқасига ёки ногиронга доимий қараб турадиган бошқа шахсга, пенсия олиш ҳуқуқини бериш зарур, деб топилсин.

СССР Вазирлар Маҳкамаси СССР Олий Кенгашига тақдим этиш учун пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунларга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

5. Жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, вазирликлар ва бошқа давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармалари Афғонистон жумҳуриятида байналмилал бурчни адо этган совет фуқароларининг, улар оила аъзоларининг, СССР чегарасидан ташқаридаги маҳаллий можароларда қатнашган бошқа кишиларнинг турмуши ва маиший шароитини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 25 апрель.

МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ТАНГЛИКДАН ЧИҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумида КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Бош вазири В. С. Павлов маърузаси

Ҳурматли ўртоқлар! Бугун мамлакатдаги танг аҳволнинг сабаблари нималиги, бунинг учун ким айбдорлиги, иқтисодий ўзгартишлар узоқ муддатли дастурининг тафсилотлари ҳақида узундан-узоқ мунозара қилиш учун энди вақт йўқ.

Турмуш энг муҳим амалий саволларга жавоб қайтаришни талаб қилмоқда. Мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволни аниқ-равшан барқарорлаштира бошлаш учун зудлик билан қандай чораларни кўриш, қандай ҳаракат қилиш керак? Ана шу ҳаракатларнинг оқибатлари қандай бўлади? Меҳнаткашларнинг ва аҳоли ижтимоий ночор табақаларининг манфаатларини қандай қилиб энг кўп даражада ҳимоя қилиш мумкин? Белгиланган чора-тадбирларни қайси кучлар амалга ошира олади, халқ манфаатларини оғизда эмас, балки амалда ҳимоя қилаётган ва ҳақиқатан ҳам Ватан тақдири учун жон куйдираётган барча ижтимоий ҳаракатларни қандай қилиб бирлаштирса бўлади? — деган саволлар турибди.

Вазирлар Маҳкамаси ўзининг тангликка қарши дастурини ишлаб чиқди ва сизлар бу дастур билан танишгансиз. Бу ҳақда СССР Олий Кенгашида маълумот берилди, унинг асосий қоидалари жамиятда фаол муҳокама қилинмоқда. Шу туфайли мен ғоят мухтасар гапираман, барча муаммоларга тўхталиб ўтирмайман, балки бутун диққат-эътиборни энг муҳим масалаларга қаратаман.

КПСС мамлакатдаги энг оммавий ва нуфузли сиёсий кучдир, бинобарин, умуман, режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш муваффақияти унинг нуқтаи назарига, халқ тақдирига таллуқли қарорларни қўллаб-қувватлашига жуда кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Вазирлар Маҳкамаси ҳаракатларининг мантиқи ва моҳиятини тасвирлашдан аввал мамлакатдаги аҳвол хусусида ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман.

Сиёсий ва иқтисодий вазият тобора кескинлашиб бормоқда ва қалтис нуқтага етди. Биз охирги маррада турибмиз, эҳтиётсизлик билан қўйилган хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий соҳадаги битта қадам фалокатга олиб бориши мумкин. Аслида мамлакат давлат тузилмалари барбод бўлиш даврини бошдан кечирмоқда. Ижроия ҳокимияти жуда заифлашиб кетган. Интизом ва ҳуқуқ-тартибот энг паст даражага тушиб қолган. Суверенитетлар ва қонунлар «уруши» авжига минган. Сиёсий кучларнинг ўзаро кураши тобора шиддатли тус олиб, асосан, ғайриконституциявий шаклларга кирмоқда. Миллатлараро қонли можаролар мамлакатни ларзага солмоқда. Ана шундай бир шароитда жиноятчилик мислсиз миқёсда кенгайиб кетди.

Сиёсий танглик яққол кўринган ва тобора чуқурлашиб бораётган иқтисодий танглик билан қўшилиб кетди. Биз учун бу — янги ҳодиса бўлса ҳам, бироқ, афсуски, аниқ кўриниб турган воқеликдир. Ҳозирги пайтнинг жуда ўткирлигини эътиборга олиб, иқтисодий тангликнинг баъзи асосий кўринишларига яна бир бор тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Бугун ишлаб чиқаришнинг таназзули аслида барча тармоқларни қамраб олди ва бу таназзул муттасил кучайиб бормоқда. Фақат биринчи кварталдагина ҳосил қилинган миллий даромад 10 фоиз камайди. Мабодо, ана шу ҳолат сақланиб қоладиган бўлса, йил охирида хонавайрон бўлишимиз аниқ. Хўжалик алоқалари яшин тезлигида пароканда бўлмоқда. Фақат январь-март ойларидагина саноатда тузилган шартномалар юзасидан истеъмолчиларга 7 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот кам етказиб берилди. Истеъмол бозори издан чиққан, аҳолининг турмуши сифати ёмонлашмоқда, гарчи ана шу сифат борадиган жойига бориб қолган бўлса ҳам уни яна ёмонлаштириш мумкинлигига баъзан ақл бовар қилмай қолади.

Молия-кредит системаси бузилиб кетяпти. Биринчи кварталда Иттифоқ бюджетига режалаштириб қўйилган 55 миллиард сўмлик даромаддан бор-йўғи 21 миллиард сўм тушди. Шундай қилиб, давлат энг муҳим дастурларни, биринчи навбатда ижтимоий дастурларни рўёбга чиқариш имкониятидан маҳрум бўлиб қолмоқда.

Валюта тушумлари қисқариб бораётган бир шароитда ташқи қарз юзасидан тўловлар кескин кўпайди.

Тузилма танглиги тобора кучлироқ сезилиб турибди. Биз учун янги ёки аниқроқ айтадиган бўлсак, биз унутиб юборган ҳодиса, яъни ишсизлик ҳам тузилманинг бузилиши билан боғланган-дир. Биз ҳаммамиз ишсизликни фақат капиталистик системанинг иллати деб билишга кўниккан эдик. Агар баҳолашнинг халқаро мезонларидан фойдаланадиган бўлсак, бизда ҳозирнинг ўзидаёқ икки миллион нафар ишсиз бор.

Ғарб мезонларига кўра, бу рисоладаги ҳол деб ҳисобланади. Биз учун эса бу жараён ташвишлидир.

Сиёсий ва иқтисодий тангликнинг яна бир кўринишиси — тармоқлардаги ва минтақалардаги иш ташлашлардир. Ўтган ойда 542 та корхона иш ташлади. Фақат кончиларнинг иш ташлашлари сабаблигина ишлаб чиқаришнинг бевосита ва билвосита зарарлари бир ой ичида мўлжаллаб ҳисоблаганда 4 миллиард сўмдан ҳам ортиб кетди. Ҳозир иш ташлаганларнинг асосий қисми ўз моҳиятига кўра Конституцияга зид, экстремизмга хос сиёсий талабларни илгари сурмоқдаларки, бу жамиятдаги беқарорликни кучайтирмоқда.

Назаримда, ҳар биримиз ҳамиша ўзимизга қуйидаги саволни беряпмиз: хўш, мамлакатимизда нега энди шундай воқеалар содир бўлмоқда? Ахир бизда ҳар доим сиёсат марказида инсон ва унинг манфаатлари туради деб таъкидлаб келинган эди-ку, нега ижтимоий, миллий ва сиёсий муносабатлар ҳаддан зиёд кескинлашиб кетди. Коммунистлар партияси ўзининг дастурий ҳужжатларида ва амалий фаолиятида, биз ишчилар синфи, деҳқонлар, бутун меҳнаткаш халқнинг манфаатларини ифода қиламиз, деб ҳар доим гапириб келган эди-ку.

Мамлакатдаги вазият ҳамда етмиш йилдан кўпроқ вақт мобайнида ҳокимият тепасида турган, қайта қуришнинг ташаббускори бўлиб чиққан партия раҳбарияти аъзоларининг бурчи очиқ-ойдин, ҳалоллик билан ва юзхотир қилмасдан гаплашиб олишни талаб этади.

Ҳозир шу нарса равшанки, қайта қуришга киришаётганимизда, биз мамлакатдаги аҳволнинг ниҳоятда мушкуллигини ҳам, тўпланиб қолган муаммоларнинг ўткирлигини ҳам ва зарур ўзгаришларнинг миқёсларини ҳам тўлалигича тасаввур қилмаган эканмиз. Нафсиламбирини айтганда, энг асосийси, биз ҳаракат қилишимиз лозим бўлган системанинг сифатли йўл кўрсаткичларига эга эмасмиз. Қайта қуришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши лозим бўлган одамларнинг ҳақиқий билимлари ва манфаатлари охиригача аниқ эмас эди.

Табиийки, қайта қуришнинг батафсил жадвалини барвақт тузиб чиқиш мумкин эмас эди. Аммо ҳар қалай бўлажак ўзгаришларнинг миқёслари ва хусусиятларини синчиклаброқ идрок этиш бизга кўпгина қийинчиликлар ва хатолардан ҳоли бўлиш имкониятини берган бўлур эди, албатта. Шуни айтиш мумкинки, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалда рўёбга чиқариш чоғида ноизчиллик ҳам, қатъиятсизлик ҳам намоён бўлди. Баъзи тадбирларни ўтказишда кечикдик. Баъзиларини рўёбга чиқаришда эса шошқалоқлик бўлди.

Қайта қуриш йилларини таҳлил этар эканмиз, истасак истамасак, партиянинг ўзи ҳам ҳушёрликни бой бериб қўйди деган фикрга келамиз. Партия ана шу жуда мушкул шароитларда лозим бўлган жанговарлик фазилатларини намоён этмади.

Ҳозирча аъзоларнинг сони кўп бўлсада аммо оммавий ахборот воситаларидан, сиёсий курашнинг янги шаклларидан фаол фойдаланиб, ташаббус билан иш юритаётган партиялар ва оқимлар пайдо бўлган бир шароитда биз ўзимизни йўқотиб қўйдик. Партиядаги танглик чўзилиб кетди, бу эса хавфлидир.

Шу нарса мутлақо равшанки, сиёсий вазиятни барқарорлаштирмасдан туриб, иқтисодий тангликка барҳам бериб бўлмайди. Муроса йўли топилмаган ва партиялардан биронтаси ҳам халқ мутлақ кўпчилигининг сўзсиз қўллаб-қувватлаши ва ишончига сазовор бўлмаган мухолиф сиёсий кучларнинг қарама-қаршилиги шароитида ҳар қандай иқтисодий сиёсатни ўтказиш, боз устига, манзур бўлмайдиган қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий сиёсатни ўтказиш ниҳоятда мушкул иш.

Шунга қарамасдан, иқтисодиётнинг аҳволи кун сайин ёмонлашаётган бир шароитда биз қўл қовуштириб ўтира олмасдик ва ўтира олмаймиз ҳам. Шу боисдан бошқарувни яқиндагина ўз қўлига олган Вазирлар Маҳкамаси бир қанча шошилинч чораларни кўрди. Биз барча асосий тармоқлар ишини батафсил ўрганиб чиқдик ва мазкур тармоқлар рисоладагидек ишлашига қаратилган қарорлар қабул қилдик. Истеъмол бозорини нормаллаштириш, кўкламги дала ишларини ўтказиш учун шарт-шароит вужудга келтириш юзасидан чоралар ҳам кўрилди. Ҳозирча маҳкама молиямизни ва пул муомаласини ўнглаб туришга муваффақ бўляпти. Шу туфайли, гарчи жуда катта қийинчиликлар билан бўлсада, аммо ҳар қалай ижтимоий дастурларни амалга оширишни давом эттириш имконияти бор.

Аслида, бу чоралар фавқулодда тусдаги чоралардир. Шу билан бир қаторда, ушбу чоралар бозор томон ҳаракат қилиш йўлига мосдир. Шундай чоралардан бири бутун жамиятни жумбушга келтирди. Бу ўринда гап нарх белгилашни тубдан ислоҳ қилиш ҳақида бормоқда. Ислоҳот ҳақида қарор қабул қилдик. Аммо, биз ҳаммадан кўра ҳам шуни яхши билар эдикки, ушбу ислоҳот ҳеч кимга маъқул бўлмайди. Аммо, бутун масъулиятни зиммамга олиб айтишим керакки, ислоҳотни бундан буён ҳам пайсалга солавериш кечириб бўлмайдиган хато бўлур эди.

Яхши маълумки, таркиб топган нархлар амалдаги харажатларни акс эттирмади ва тўғри иқтисодий ўзаро муносабатларни йўлга қўйишга имкон бермади. Таркиб топган нархлар бутун иқтисодий сиёсатни бузиб кўрсатадиган қийшиқ кўзгу эди. Буни қарангки, меҳнат жамоалари қанчалик зўр бериб ва самарали ишлашса, улар ўз фаолиятидан шунчалик кўпроқ зарар кўрар эди. Озиқ-овқат саноатида, енгил саноатда, қишлоқ хўжалигида, кончилик тармоқларида шундай эди. Дотациялар юки 120 миллиард сўмдан ҳам ортиб кетди. Бу мамлакат бюджетининг қарийб тўртдан бир қисмидир.

Шунинг учун ҳам ислоҳот ўтказишни пайсалга солиш рисоладаги, соғлом иқтисодиёт йўлини тақа-тақ ёпиб қўяр эди. Шу боисдан ҳам биз бу чорани кўришга қарор қилиб, аҳолига компенсация тўлашни ҳам назарда тутдик.

Камми? Ҳа, кам. Ҳаммага берилмаяптими, ҳа, шундай. Лекин мен шахсан ўзим ҳар ким билан, ҳар қандай комиссия билан сўллар, ўнглар билан, янгилар билан ва эскилар билан ҳам компьютер ёки чўт олдида учрашишга тайёрман. Келинг, ҳисоблаб кўрайлик ва барча гапни очиқ айтайлик. Мабодо, давлат қўлида биронбир бергулик нарса бўлса, келинг, дарҳол берайлик. Лекин биз ҳукумат гўё нарх ислоҳотининг бутун мушкуллигини аҳоли зиммасига қўйди деган фикрга қўшила олмаймиз. Биз бирон-бир ҳатога йўл қўйишимиз мумкин, лекин биз қаллоб эмасмиз. Биз ҳозирча энг кам ҳақ олаётган аҳоли қатламларинигина муҳофаза қилдик деб мен илгари ҳам гапирган эдим. Бу жамиятда устивор бўлиб турган кайфиятларга мосдир. Биринчи навбатда худди ўша пенсионерлар, ногиронлар ва кўп болали оилаларнинг турмуш даражасига тиргак бўлишимиз керак, деб ҳисобладик. Бундай ёндашувни кўпроқ таъминланган ижтимоий гуруҳлар ҳисобигагина рўёбга чиқариш мумкин эди. Худди ана шу гуруҳлар эса ҳозир эътироз билдирмоқдалар.

Гарчи кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам, аммо шунга қарамасдан, ислоҳот ҳозирнинг ўзидаёқ истеъмол бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанатлашуви жараёнига туртки бўлди. Кундалик маълумотларга қараганда, нон, нон-булка, кондитер маҳсулотлари, қайнатма колбаса, тозаланган балиқ ва масаллиқлар савдоси изга тушмоқда. Худди ана шундай шароитда айрим минтақаларнинг раҳбарлари нархни оширишни ҳамда нозарур дотацияларни бекор қилиш тўғрисидаги масалани жиддий кўриб чиқяпти, деб айтилаётган гаплар сира қовушмай турибди. Айни вақтда бу ўринда гап нархларнинг барча турлари —улгуржи, харид ва чакана нархлар ҳақида, яъни кўмир, нефть, пўлат, дон, гўшт ва бошқа нарсаларнинг нархлари ҳақида бораяпти, деб изоҳ бермоқдалар. Бу ҳолда қўшинилар қай аҳволга тушишига ўзингиз баҳо бера оласиз деб ўйлайман. Айни вақтда шундай баённот берган кишиларнинг имзоси нарх белгилашни ислоҳ этиш тўғрисидаги ҳужжатлар остида турибди. Бундай хатти-ҳаракатнинг оқибатларини олдиндан айтиб бўлмайди. Назаримда, бу шуҳратпарастлик билан қўйилган навбатдаги қадамдир. Бундан жуда аниқ сиёсий мақсадлар кўзда тутилмоқда.

Дастурда нархларни либераллаштиришга қаратилган стратегик йўл таърифлаб берилган. Кўп кишилар бу нарса нархларнинг баттар бошқарилмайдиган тарзда кўтарилиб кетишига олиб бормасмикан, деб хавотир олмоқдалар. Бу ерда мен ҳукуматнинг ҳаракат режасини айтиб бермоқчиман. Биринчидан, истеъмол бюджетининг асосини ташкил этадиган энг муҳим молларнинг нархлари давлат томонидан тийиб турилади. Иккинчидан, биз бозор яхшироқ таъминланган сайин нархларга аста-секин эрк бермоқчимиз. Бизнинг фикримизча, айни шу соҳада янги хўжалик воситаси халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш омилларини кучайтириши лозим. Тахминий мўлжалларга қараганда, йил охиригачаёқ нарх-навонинг барқарорлашувини ва ҳатто айрим моллар гуруҳлари бўйича нархларнинг бирмунча пасайишини кутса бўлади. Учинчидан, ҳукумат аҳоли даромадларини индекслаш тўғрисидаги қонун ҳужжатини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказмоқда. Аввало қайд этилган даромадларга эга бўлган аҳоли гуруҳларига индекслаш воситаси билан ёрдам берилади. Моддий ишлаб чиқариш ходимларига келганда улар пировард меҳнат натижалари меъёрига мувофиқ ўз даромадларини кўпайтириб бориш имкониятини оладилар.

Бозор муносабатларига ўтишда нархларни ислоҳ қилиш муҳим, албатта, бироқ энг асосийси бу эмас. Нарх ислоҳоти унинг мажбурий шартларидан бири, холос. Мен бу масалага шу қадар батафсил тўхталганимнинг сабаби фақат шуки, ҳозир бу масала ҳаммани қизиқтирмоқда. Энди энг муҳим умумий вазифа — молларни таклиф қилишни кўпайтиришдир.

Ҳукумат иқтисодий вазиятни тубдан яхшилашни, ўтиш даврининг қийинчиликларини бартараф этишни иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш дастурини амалга ошириш билан боғламоқда.

Биз бу дастурни ишлаб чиқишда ишнинг анчагина қисми жумҳуриятларнинг зиммасига тушишига асосландик. Шу боисдан ҳам дастурда Иттифоқ шартномаси лойиҳасидан келиб чиқадиган қоидалардан, янгиланган марказ билан иттифоқдош жумҳуриятларнинг янги ролидан, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан фойдаланилди. Аминманки, дастур, умуман, тангликдан чиқиб олиш соҳасида биргаликда қилинадиган ҳаракатлар воситасини ишга солиб юборади ва келишиб олинган жумҳуриятлараро асосда бозор сари ҳаракатни тезлаштиради.

Коммунистларнинг анжуманида яна бир масалага тўхтамай иложим йўқ. Хўш, бу дастур умуман қай мақсадни кўзлайди? Ундаги йўл-йўриқлар партия ўртага қўяётган мақсадларга мос келадими? Бу ерда масъулият билан айтаманки, ҳа, мос келади. Бу дастур аввало миллион-миллион софдил меҳнатчиларнинг манфаатларини кўзлайди, улар дастурнинг амалга оширилиши натижасида меҳнатда ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш учун жуда кенг имкониятларни олишлари лозим ва оладилар ҳам, шу тарқа улар ўзлари учун муносиб ҳаётни таъминлайдилар. Фуқароларнинг шахсий даромадларини кўпайтириш йўлидаги ҳамма тўсиқлар олиб ташланади, фақат битта тўсиқ қолади, у ҳам бўлса шундан иборатки, иш ҳақи ҳалол бўлиши ва ҳақиқатан ҳам меҳнат фаолияти натижаларининг кўпайишига асосланиши лозим. Шундай қилиб, жамиятнинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзоси ўз фаровонлигининг бунёдкори бўлиши лозим ва мумкин. Зеро, КПСС ўз олдига айни шундай мақсадларни қўйиб келган ва ҳозир ҳам шундай мақсадларни қўймоқда.

Ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар бунга мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини эркин танлаш орқали эришадилар, бу соҳада ўз меҳнат фаоллиги имкониятларидан жуда тўла-тўкис фойдаланиш мумкин. Чамаси фаолият турлари ҳам хилма-хил бўлади, ҳар бир киши бу турлардан бирини табиий майларига ва касбкор тажрибасига мувофиқ танлаб олаверади. Жамият аъзоларига ишбилармонлик билан шуғулланиш имконияти берилади, бу эса кўпгина ҳалол меҳнатчилар учун иқтисодий фаолликни рўёбга чиқаришнинг самарали соҳаси бўлади. Кўп йиллардан буён қаттиқ чеклашлар исканжасига олиб қўйилган истеъдодларга эрк берилади.

Меҳнаткашлар бутун оммасининг, ҳар бир фуқаронинг фаоллиги — мамлакат иқтисодий қудратини тез юксалтиришнинг бирдан-бир усулидир. Шу асосдагина давлат меҳнатга лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳам турмуш шароитини яхшилаш учун зарур моддий ва молиявий ресурслар олиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш соҳасидаги ҳаракат дастури — айни вақтда ижтимоий соҳани кўзловчи бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлида бундан буёнги иқтисодий ўзгартишлар дастури ҳамдир. Бундай ёндашув принципиал аҳамиятга эгадир.

Дастурнинг меҳнат жамоаларида, жумҳуриятларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш ташкилотчилари, касаба уюшмалари, олимлар томонидан, Олий Кенгашда муҳокама қилиниши шуни кўрсатиб турибдики, дастурнинг мана шу икки масалани бирлаштирувчи жиҳатини умуман кўп кишилар пайқаб олмаганлар. Баъзилар: агар бу — тангликка қарши дастур бўлса, у ҳолда фавқулодда чора-тадбирлар билан чекланиш ва сўнгра, аҳвол барқарорлаштириб олингандан кейин бозорни вужудга келтириш ҳақида ўйлаш керак, демоқдалар. Бошқалар эса, аксинча, бозор муносабатларини жадал шакллантиришга зўр бериш керак, деб ҳисобламоқдалар. Биз у фикрга ҳам, бу фикрга ҳам қўшилмаймиз. Бизнинг назаримизда, ўртачаси ҳақ йўлдир. Аҳолининг манфаатлари тангликни юмшатиш соҳасида имкони бўлган ҳамма чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Аммо бу бозор муносабатларини вужудга келтириш йўлидаги қатъий ҳаракатларга жуда бевосита тарзда боғлиқдир. Бу жараённи орқага суриб бўлмайди. Янги иқтисодий муҳитни сабот билан шакллантириш керак. Шундай қилгандагина иқтисодиётни инсон сари, унинг эҳтиёжлари ва талаблари сари буриб юбориш мумкин бўлади.

Дастур хусусидаги танқид ҳақида бир неча оғиз сўз. Баъзилар: дастур комплекс эмас, мамлакатни тангликдан олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган ҳамма саволларга жавоб бермайди, мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал қилиш воситасини батафсил кўрсатмайди, демоқдалар. Сирасини айтсам, биз бундай вазифани ўз олдимизга қўйган ҳам эмасмиз. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда турмушнинг ҳамма ҳолатларига ярайверадиган аниқ йўл-йўриқ йўқ. Хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, аммо аниқ тадбирларни вужудга келаётган вазиятга қараб доимо равшанлаштириб боришга тўғри келади. Ҳозирги вазиятни ҳисобга олиб ҳукумат шундай тадбирларни ишлаб чиқди. Аниқ ижрочилар ва муддатлар кўрсатилган режамиз бор. Агар шу режа маъқулланса, биз уни зудлик билан амалга ошира бошлаймиз.

Дастурни тузиш вақтида эҳтимол тутилган ҳаракатларнинг нусхалари ва уларнинг оқибатлари чамалаб қўйилди. Тангликка қарши ҳеч қандай махсус чора-тадбирлар кўзда тутилмаган бир нусха бўйича 1991 йилда иқтисодиётда чуқур салбий ўзгаришлар рўй берган бўлур эди. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, саноат ишлаб чиқариши ва миллий даромад тахминан чорак ҳисса қисқарган бўлур эди. Моддий неъматларни истеъмол қилиш аҳоли жон бошига ҳисоблаганда тахминан 20 фоиз камайган бўлур эди. Бу тамойилларни тўғрилаб олиш учун бир неча йил кетган бўлур эди.

Бошқа бир нусханинг моҳияти ва шакли ҳозирги Россия ҳукуматининг дастурида баён этилган. Унда давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашувидан бутунлай воз кечиш ва нуқул бозор муносабатларига ўтиш назарда тутилади. Бизнинг назаримизда, бу нусха шу йилнинг ўзидаёқ мамлакатда ишлаб чиқаришнинг жуда чуқур, кам деганда учдан бир ҳисса пасайишига олиб келган бўлур эди. Ишсизларнинг умумий сони 30 миллион кишига етиши мумкин. Аҳолининг асосий қисми камбағаллик даражасидан пастда қолиб кетиши мумкин. Бундай «зарба»га биз бардош бера олмаймиз ва унинг бизга кераги йўқ, деган фикримга қўшиласизлар, деб ўйлайман.

Тангликка қарши чора-тадбирларни ўтказишда барча жумҳуриятлар, меҳнат жамоалари ва жамоат ҳаракатларининг фаол иштирокига асосланувчи бошқа бир нусха бор. Бу нусха шу йилнинг охиригача иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш имконини беради ва энг муҳими бунда истеъмол фонди пасайишини кўп даражада тўхтатиб қолишга, ишсизликнинг бошқариб бўлмайдиган даражада кўпайиб кетишига йўл қўймасликка муваффақ бўлинади. Айни шу нусха дастурга асос қилиб олинди. Шу боисдан ҳам тангликка қарши тусдаги фавқулодда чора-тадбирлар мажмуи унинг ўзагидир. Бу чора-тадбирлар хўжалик жараёнларини нормаллаштиришга, аҳолининг турмуш таъминоти, молиявий ва пул муомаласини соғломлаштириш асосини ташкил этадиган тармоқлар ва соҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Вазирлар Маҳкамаси транспортда, ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларида, металлургияда дарҳол фавқулодда ҳолат жорий қилишни таклиф этади. Банк системасида, солиқ хизматида фаолиятнинг алоҳида тартиби жорий қилиниши керак. Зарурат бўлган тақдирда мамлакатнинг айрим минтақаларида ҳам фавқулодда ҳолат жорий қилиниши лозим.

Пулнинг қадрсизланишига қарши қаттиққўл молия-кредит сиёсати ўтказишни фавқулодда чора-тадбирлар орасида биринчи ўринга қўйган бўлур эдим. Бунинг учун аввало аҳиллик билан ҳаракат қилиш зарур, мана шундай аҳилликнинг йўқлиги эса ҳозир бизни молиявий ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйди.

Зарур тарздаги ҳаракат бирлигини тузилган иқтисодий битимлар негизида таъминлаш мумкин. Ҳукумат жумҳуриятлардаги идоралар ва маҳаллий идораларнинг мазкур битимларга зид бўлган ёки уларни амалга оширишга халақит берадиган бир ёқлама тарзда қабул этилган қарорлари тўхтатиб қўйилишини талаб этади. Бизнинг назаримизда барча лавозимлардаги раҳбарлар қонунларни ва тузилган битимларни ҳурмат қилмаслик гўё жойларнинг манфаатларига қарши турган марказга эмас, балки халққа зарба уришини ниҳоят тушуниб олишлари керак. Биз ҳаммамиз халқимизга хизмат қилишга мажбурмиз.

Буни оддий бир мисолда изоҳлаб бераман. Ҳозир айрим жумҳуриятлар Иттифоқ бюджетига пул ўтказишдан бош тортмоқдалар. Маблағ йўқлиги сабабли Иттифоқ идоралари, айтайлик, Ўзбекистонга субвенция бера олмаяптилар.

Бунга жавобан Ўзбекистон пахта, тилла, бошқа турдаги хом ашё ресурслари нархини ошириш масаласини қўймоқда. Шундай бўлса, енгил саноат моллари, электрон техника ва шу каби маҳсулотларнинг нархлари муқаррар равишда кўтарилади. Натижада пул баттар қадрсизланиб, аҳолининг турмуши ёмонлашади, ижтимоий кескинлик кучаяди.

Мана шундай ҳолатда бир саволни бериш ўринлидир: хўш, бундан аҳолимиз нима ютади? Аҳдлашувларга шу қадар ҳурматсизлик билан қараётган сиёсий раҳбарларга ишонч даражаси ҳақида гапираётганим ҳам йўқ.

Энди зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалага ўтаман. Шу йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган фавқулодда бюджетлар: гап Иттифоқ, жумҳурият, маҳаллий бюджетларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳақида бораяпти. Бизнинг назаримизда бу бюджетлар — харажатларни даромадлар билан қатъий равишда мувофиқлаштириб олишнинг самарали, эҳтиномлки, ҳаттоки, бирдан бир усулидир. Яъни охир-оқибатда кўрпага қараб оёқ узатиш керак, демоқдаман. Ҳар қандай маърифатли жамиятда солиқларни тўлаш — мажбурий ва қонун йўли билан белгилаб қўйилган ишдир. Солиқларнинг тушиши — давлат ҳаётининг иқтисодий негизидир. Бизда эса афсуски, кўпдан-кўп хўжалик юритувчи субъектлар солиқ тўлашни мутлақо тўхтатиб қўйишди. Ҳуқуқларга ҳужум қилишни асло хоҳламас эдик, аммо чамаси бюджетга тўловларнинг навбатлилиги ва мажбурийлигини тиклашга тўғри келадиганга ўхшайди. Бошқа ҳеч қандай йўл қолмаяпти.

Бизнинг солиқ сиёсатимиз ҳаммага равшан бўлишини истайман. Ҳукуматимиз ҳақида оммалашган фикрга қарамай, шуни айтмоқчиманки, биз солиқ зуғумини кучайтиришга асло тарафдор эмасмиз. Аксинча, солиқ сиёсати соҳасида ҳукумат солиқларни камайтириш йўлини ўтказади, қўшимча қийматга солиқ солишга ўтилган сари корхоналарнинг фойдасидан ва фуқароларнинг даромадларидан солиқ олиш ставкалари камайтириб борилади. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланадиган даромадлар бўйича солиқ соҳасида енгилликлар бериш ҳам мўлжалланади.

Дастурни муҳокама қилиш чоғида ўз даромадларининг бир қисмини хусусийлаштирилган мол-мулкни сотиб олиш учун акциялар олишга сарфлайдиган фуқароларга солиқ соҳасида енгилликлар бериш ҳақида таклифлар киритилди. Бу — принцип жиҳатидан тўғри таклиф деб ўйлаймиз. Мол-мулкни улашиб бериш учун эмас, балки ишлаб топилган маблағ ҳисобидан сотиб олиш учун барча меҳнатчиларга шароит яратиб бериш керак.

Вазирлар Маҳкамаси ҳаракат дастурининг яна бир марказий бўғини — хўжалик соҳасидаги, айниқса бозорни истеъмол моллари ва хизматлар билан тўлдиришга доир фаолликни рағбатлантириш чораларидир. Одамлар истеъмол бозоридаги ижобий ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўрганларидагина бизга ишонадилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Шу сабабли биз корхоналарни фойданинг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун фойдаланиладиган қисмини солиқ тўлашдан ҳоли этиб қўйишни таклиф қиламиз.

Бозорни тўлдиришнинг яна бир имконияти бор. Бу корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришдир. Башарти бизни қўллаб-қувватласалар агар корхоналар ишлаб топган валюта маблағларини озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун технология машина-ускуналарини сотиб олишга, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик молларни харид қилишга сарфласалар, уларнинг экспорт-импорт операциялари ва фойдаларига имтиёзлар берамиз. Шу молларни чет эллардан олиб келиш билан боғлиқ тартибни осонлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Ташқи иқтисодий фаолиятимиз стратегияси тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу соҳада чет элга маҳсулот чиқариш имкониятларини қайта қуриш тадбирлари билан бир қаторда хорижий сармояни жалб этишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Бундай сармоя ёрдамида биз учун муҳим икки вазифани ҳал қилиш мумкин бўлади.

Биринчиси — ички бозорда рақобат жараёнларини кучайтириш. Иккинчиси — биз учун устувор тармоқлар ва соҳаларда энг янги технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.

Чет эл инвестицияси жумҳуриятлараро келишилган дастурга мувофиқ ва жамият назорати остида жалб этилиши тушунарлидир. Биз Ватанимизни сотиб юбориш ёки уни чиқиндихонага айлантириш тўғрисида ҳато гап бўлиши имкониятини ҳам истисно қилишни кўзда тутаяпмиз. Ҳолбуки, ҳозир матбуотда шу ҳақда шов-шув кўтарилаяпти. Гап бўтунлай бошқа нарса ҳақида бормоқда. Агар хорижданги сармоя эгалари ўз маблағларини бизнинг иқтисодиётимизга сарфлашга рози бўлсалар, ишлаб чиқариш имкониятларимизни кўпайтириш учун бундай имкониятдан фойдаланмаслик биз учун кечириб бўлмайдиган хато бўлур эди. Лекин энг муҳими ўз кучимизга ишониш, моддий-техника ресурсларидан тежаб-тергаб оқилона фойдаланишдир, албатта. Бу ресурсларни энг тежамли ишлаб чиқаришда, илғор маҳсулотлар ва молларни тайёрлаш учун тўплаш, шу мақсадда фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш — ҳозирги пайтда тараққиётнинг жадал йўлига ўтиш учун ана шулар керак.

Ҳукумат ишлаб чиқариш ва фуқароларнинг меҳнатдаги фаоллигини оқилона йўлга қўйишни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширар экан, бу ишларни оммавий ишсизлик пайдо бўлиши билан мутлақо боғламайди. Аксинча, биз ишсизликнинг олдини олишни асосий вазифаларимиздан бири деб биламиз, бунинг учун биринчи навбатда кичик корхоналарни ривожлантириш ҳисобига янги ишчи ўринларини барпо этиш сиёжойларини барпо этиш сиёсати амалга оширилади. Янги шароитда иш билан таъминлашни бошқариш системасини — Иттифоқдан тортиб то районгача барча босқичларда давлат иш билан таъминлаш шўъбасини, иш билан банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлайдиган ўқув юртлари тармоқларини жадал суръатлар билан барпо этамиз. Янги ижтимоий-иқтисодий соҳа — ҳақ тўланадиган ижтимоий ишларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий негизларини белгилаш тугалланмоқда. Қуролли Кучлар сафларидан бўшатиладиган шахсларни иш билан таъминлаш соҳасида ижтимоий кафолатлар системаси барпо этилаяпти.

Ҳар бир ходимнинг самарали меҳнат қилишдан ғоят манфаатдорлигини таъминлайдиган ҳақ тўлаш системасини жорий этишни жадаллаштиришни ҳукумат ўзининг муҳим вазифаси деб билади. Тўғрисини айтсак, бундай система ҳозирнинг ўзидаёқ вужудга келмоқда. Меҳнаткашларнинг турли касб-малака гуруҳлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам даражасига давлат кафолатлари белгиланди. Якка тартибда ишлаб пул топиш миқдорининг чеклашлари олиб ташланди. Корхоналарга меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва системасини мустақил белгилаш ҳуқуқини бердик.

Бозор муносабатлари ҳақиқатан ҳам қарор топаётган, мулкчилик шакллари хилма-хил бўлган корхоналар амалда мустақил бўлаётган, жамоа, акционерлик корхоналари вужудга келаётган ва ишбилармонлар сектори пайдо бўлаётган шароитда меҳнат масалаларида жамоат тотувлигига эришишнинг янги воситаси талаб қилинади, гап нима ҳақда бормоқда? Аниқ тармоқларнинг ходимлари учун тариф ставкалари ва маошлар даражасини, ижтимоий кафолатларни белгилашда уч томонлама ижтимоий шерикчилик қилиш тўғрисида бормоқда. Аслида бутун дунёда ана шундай келишувга касаба уюшмалари, корхона эгаси ва ҳукумат ўртасида музокара олиб бориш йўли билан эришилади.

Касаба уюшмалари билан тегишли бош тариф бит

МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ТАНГЛИКДАН ЧИҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Мамлакатда хозир икки жараён: мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошланди. «Давлат тасарруфидан чиқариш» сўзлари унча ўринли эмас, лекин биз бу сўзларга кўникиб қолдик. Улар қандай маънони билдиради? Биринчи навбатда ва асосан кўпчилик тармоқлардаги корхоналарни бевосита давлат идоралари бошқаришидан, уларнинг васийлигидан чиқаришдир. Бу жараён асосан акциялаш йўли билан давом этади. Бунда акцияларнинг катта қисми, бизнинг фикримизча, яна узоқ вақтгача давлатнинг —Иттифоқ, жумҳуриятлар, жойларнинг қўлида қолади.

Шундай қилиб, жуда йирик, катта ва кўпгина ўртача корхоналар хусусий кўлга ўтмайди. Улар давлат мулки ёки жамоа мулки сифатида қолади, бунинг устига биз ана шундай корхоналар мулкида меҳнат жамоаси мулки улушини изчиллик билан кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз.

Иккинчи жараён — хусусийлаштириш. У асосан хусусий мулкнинг афзаллиги бутун тарихий тажриба билан исботланган тармоқлардаги деярли барча кичик корхоналарни ўз ичига олади. Сартарошхоналар, кичик ремонт устахоналари, ателье-лар, дўкончалар аллақачон давлат назоратидан чиққанлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар расмий жиҳатдан давлат ихтиёрида, амалда эса уларнинг ходимлари давлат мулкидан кафолатли иш ҳақига кўшимча равишда шахсий даромад олиш учун фойдаланмоқдалар. Бундай корхоналарни мумкин қадар тезроқ хусусийлаштириш, уларни умуман давлатнинг елкасидан олиб ташлаш ва солиқ системаси ёрдамида самарали ишлашга мажбур этиш керак.

Хусусийлаштириш билан яна уч масала бор.

Биринчидан, қонун давлат мулкининг нопок қўлларга ўтишига, бундай мулк ўғирланган пуллар билан сотиб олинишига тўсқинлик қилиниши лозим.

Иккинчидан, давлат корхоналарини акционерлаштириш, хусусийлаштириш чоғида уларнинг мулкини тўғри баҳолаш, давлат тасарруфидан чиқаришни давлат мулкини бўлиб беришга айлантирмаслик муҳимдир. Агар биз буни таъминлай олмасак, у ҳолда аҳолини бу жараёндан ё бездириб қўямиз, ё ижтимоий бойликни совуриб юборамиз.

Учинчидан. Мамлакатимизнинг тарихий ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ҳудуди кўп қисмида аграр секторда ерга капиталистик хусусий мулкчилик аслида бўлмаган. Халқимизнинг кайфиятига мос бўлиб тушадиган бу тарихий воқеликни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шу сабабли ерни оммавий равишда сотиш ва сотиб олишни таклиф этиш катта хато бўлур эди.

Яна бир жуда муҳим вазият. Иттифоқ, республикалар ва минтақалар ўртасида мулкни фарқлаб қўйиш муаммоси давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида анча хотиржамроқ, мухолифсизлик билан ҳал этилиши мумкин. Уларнинг тегишли пайини белгилаб қўйиш бошқарувнинг барча босқичларида манфаатларнинг бирлигини иқтисодий негизда таъминлашга имкон беради. Аслини олганда, корхонанинг кимга қарашлилиги тўғрисида эмас, балки шу корхона фаолиятидан олинган даромаднинг мулк эгасининг ҳуқуқи ва улушига мос келадиган қисми кимга қарашли эканлиги хусусида баҳслашиш лозим. Корхоналарнинг ўзи эса Иттифоқ, жумҳурият, маҳаллий тўсиқларни сезмаслиги лозим. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар бутун мамлакатнинг ягона иқтисодий маконида эркин алоқа қилган тақдирдагина самарали ишлайдилар, ҳолбуки, ана шу ягона иқтисодий маконни биз ҳозироқ деярли барбод қилиб қўйдик.

Сўнгра биз бир-биримизни тушуниб олишимиз керак — биз нимадан қўрқамиз? «Рус-Азов банки» акцияларга эгалик қилиб, Украинанинг Қрими учун балиқ овлашни тасарруф қилишидан қўрқамизми? Нима учун бозорда маъмурий чегара ўтказяпмиз?

Бозор ёрдамчи соҳаларини ривожлантириш бозорга ўтиш суръатларини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган жиддий омилдир. Корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқаларини йўлга қўйишга, моллар ва сармояларнинг ҳаракатига, ресурслардан фойдаланишнинг энг оқилона соҳаларини излашга кўмаклашадиган ташкилотлар тузилиши лозим.

Бу соҳада стратегия ва тактика бундай тузилмаларни буйруқ билан барпо этишдан иборат эмас. Бундай қилиш бозорнинг моҳиятига зиддир. Энг муҳими, бундай ташкилотлар пайдо бўлиши ва ривожланиб бориши учун қулай шароитдир. Масалан, қимматбаҳо қоғозлар бозори фонд биржаси мавжуд бўлишини тақозо этади. Лекин бундай биржани ташкил этиш ҳукуматнинг иши эмас. Бунинг учун зарур ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш эса — бизнинг вазифамиз, бинобарин биз шу йўлдан бормоқдамиз.

Ҳурматли ўртоқлар! Бизнинг назаримизда, ҳукумат вазиятни сезгирлик билан баҳолаб, ўз дастурини амалга ошириш учун зарур шароитни яққол тасаввур этмоқда. Ажойиб дастурни ишлаб чиқиш мумкин, лекин уни амалга ошириш учун давлат-ҳуқуқий негизлари барпо этилмаса, бундай дастурнинг қиймати икки пул. Ҳар қандай дастур уни амалга оширишни таъминлайдиган ҳокимият мавжуд бўлган тақдирдагина рўёбга чиқади. Иқтисодий тангликдан чиқишга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга оширишми ёки бозор муносабатлари томон ҳаракатни белгилаб берадиган ислоҳотни ўтказишми — энг муҳим вазифаларнинг қайси бирини олиб кўрмайлик, уларни амалга ошириш учун барча республикалар ва Иттифоқ ҳокимият органларининг аҳиллик билан ва келишилган ҳаракатлари зарур. Бунинг учун марказ ва жумҳуриятларнинг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш керак. Барча даражаларда кучли ижроия ҳокимият бўлиши зарур.

Яна бир муҳим сиёсий шарт — ҳозирги ижтимоий қарама-қаршилик, сабрсизлик ва тарқоқлик муҳитини бартараф этиш, дастурдаги мақсадлар ва вазифаларга муносабатда тотувликка эришишдир. Ҳозирги пайтда муҳолиф партиялар ва ҳаракатлар «Давра суҳбати» ва коалицион ҳукумат бўлиши учун актив ҳаракат қилмоқдалар. Бунга асосий тўсқинлик гўё ён бермайдиган консерватор коммунистлар деб кўрсатишга урилмоқда. Жамиятимизни тангликдан олиб чиқишдан самимий манфаатдор бўлган барча чинакам демократик кучлар ҳамкорлиги ғоясини КПСС ўзининг XXVIII съездида таклиф этганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Бу Марказий Комитетнинг шундан кейинги барча Пленумларида тасдиқланди. Бу ғоя шу вақтга қадар амалга оширилмаган экан, бунда бизнинг айбимиз йўқ.

Ҳукумат фуқаролар тинчлиги ва тотувлигига эришиш, жуда оғир иқтисодий-сиёсий ларзаларнинг олдини олиш учун бугун Пленумимизда ҳозирги «совуқ» граждан урушини тўхтатишни ҳақиқатан ҳам хоҳлаётган барча партиялар ва ҳаракатларни, ҳамма фуқароларни ўзаро келишиш, ҳуқуқ-тартибот ва демократия негизида амалий бунёдкорлик ҳамкорлигига яна бир бор даъват этади.

Ҳукуматнинг сиёсий негизини кенгайтириш бу йўналишда катта қадам бўлиши мумкин эди. Биз ҳукумат таркибига жумҳуриятлар ва ҳаракатлар вакилларини киритишга тайёрмиз. Шубҳасиз, бу мамлакатдаги умумий вазиятга ва бошқарув идоралари фаолиятининг самарадорлигига ҳаётбахш таъсир этган бўлур эди.

Кўплар марказ билан жумҳуриятларнинг ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат ҳаракат қилиши зарурлигини англаб олдилар. Ҳар томондан ана шундай даъватлар эшитилмоқда. Вақтни қўлдан бермаслик муҳимдир. Агар иқтисодиёт соҳасида ўзаро келишиб ҳаракат қилиш тўғрисида шартлашиб олишга муваффақ бўлинса, агар ишлаб чиқариш барқарорлаштирилса, бюджет, молия, валюта билан боғлиқ ишлар йўлга қўйилса, ҳозир вужудга келган иқтисодий тангликнинг кўпгина сабаблари бартараф этилади. Қолганлари ўз моҳияти жиҳатидан шу сабабларнинг натижаларидир.

Бу соҳада барча республикалар ва Иттифоқ томонидан имзоланган 1991 йилги иқтисодий битимни тайёрлаш тажрибасига, нарх ислоҳотига тайёргарлик кўришда эришилган бирмунча юксак даражадаги мувофиқлаштирилган ҳаракатларга таяниш мумкин бўлур эди. Аслида гап иқтисодий сиёсатнинг бирлиги тўғрисида бормоқда. Бу сиёсат айрим минтақаларнинг жуда тор доирада ихтирослашгани, уларнинг бошқа жойлардаги ишлаб чиқаришга ниҳоятда қарамлиги бозор муносабатларининг калити эканлиги тўғрисида бормоқда.

Минтақаларга ҳам, марказга ҳам аниқ-равшан ҳаракатлар соҳасида агар ана шу ҳаракатлар, биринчидан, товар маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун кенг уфқлар очиб берса, иккинчидан, мулкчилик хилма-хил шаклларининг тенг ҳуқуқлилигига қаратилган бўлса, бундай шароитда тўла эркинлик бериш лозим. Бу шундай нарсаларки, бозор муносабатларини ривожлантириш йўлига содиқлик уларга қараб текширилади.

Бозор томон ҳаракат қилишда яна бир катта муаммо борки, уни ҳал этиш биз, коммунистлар учун айниқса мураккабдир. Халқимизнинг асосий кўпчилиги социалистик йўл тарафдоридир. Истеъмолда текисчиликни кўзда тутадиган коммунистик ғоянинг фақат бир томонлама таъсири негизида халқнинг онгига бу нарса аллақачон сингиб кетган. Энди кутилмаганда унга хусусий мулкнинг тенг ҳуқуқлилигини тан олишни ҳатто коммунистларнинг ўзлари таклиф қилишаяпти. Ҳолбуки, хусусий мулкчиликни кўпчилик капиталистик мулкчилик деб ҳисоблайди. Менимча, ижтимоий соҳага қаратилган бозор иқтисодиётида мулкчиликнинг ҳар бир шакли ўзи учун энг самарали жойни топиши лозим. Бу ҳам воқеликдир.

Янги жамият қонунлари умумхалқ томонидан яратилиши лозимлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ишбилармон киши қандай иш билан шуғулланмасин уни ҳамма билан бир хил ҳуқуқий доирага солиш сиз билан бизнинг қўлимизда. Жамият томонидан тан олинган асосий ижтимоий кафолатларни сўзсиз бажаришга уни мажбур қилиш бизнинг қўлимизда.

Очиғини айтаман, аслида мен кооперативларни ёпиб қўйиш тарафдори эмасман, лекин мен барча давлат корхоналари фаолиятига кооператив фаолиятнинг шароити каби бир хил шароит бериш тарафдориман **(Овозлар: «Тўғри»!).**

Агар биз ҳуқуқий давлат сари қатъият билан ҳаракат қилмасак, ҳеч бир ишда муваффақият қозона олмаймиз. Демократияни тартибсизлик билан чалкаштирмаслик керак, назаримда, бу соҳада ҳам биз ишга соладиган бозор муносабатлари воситаси жуда ижобий таъсир ўтказади, буни қандай тушуниш мумкин? Ҳозир нарх ислоҳоти билан боғлиқ бўлган одамлар ёқтирмайдиган тадбирга жамият маъқуллаб кутиб оладиган навбатдаги тадбирларни қарама-қарши қўйиш муҳимдир. Шубҳасиз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш агар улар ўйлаб ва изчиллик билан бажариладиган бўлса, албатта, ана шундай тадбир бўлади.

Меҳнаткашлар мулкка эгалик қила бошлар эканлар, катта иқтисодий масъулиятни ҳис этишлари керак, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришдан, барқарор ҳуқуқ-тартиботдан уларнинг манфаатдорлиги кучайиши лозим.

Биз ҳам бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган янги қонунларни яратиш ва уларнинг ижросини кузатиб бориш юзасидан ўзаро келишиб ҳаракат қилаоламиз деб ўйлайман. Бу эса кўпгина муаммоларни ҳал қилади. Масалан, агар товар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаракат эркинлиги ва иқтисодий масъулиятига қонун кафолат берадиган бўлса, уларни ҳеч ким тармоқ ёки қандайдир минтақа қафасига жойлаб қўя олмайди. Ҳозир иш ташлашларни тўхтатиш учун, меҳнат интизомига риоя қилиниши учун ва шу кабилар учун кўп одамлар бизни марказлаштирилган тарзда чора-тадбирлар кўришга чақирмоқдалар. Ҳаракат эркинлиги ва иқтисодий масъулиятга кафолат берилган тақдирда бундай чораларни кўришга ҳожат бўлмаса керак.

Яна бир масала. Вазирлар Маҳкамаси унинг системасида кўпгина органлар давлат-жамоат идораси мақомини олишини кўзда тутмоқда. Масалан, ёшлар билан ишлаш комитетига шундай мақом берилади. Бу комитет ёшлар ташкилотларисиз қандай иш олиб бориши мумкин? Бу тусдаги идораларда қарорлар давлат ҳамда жамоат иттифоқлари ва уюшмалари вакиллари устуворлиги негизида қарорлар қабул қилинади.

Ҳурматли коммунист ўртоқлар! Қайта қуришни партия бошлаб берди, унинг натижалари учун ҳам партия жавобгардир. У халқ хўжалигига тўғридан-тўғри буйруқ беришдан воз кечди. Аммо у барча тараққийпарвар кучлар жипслашувининг тезлатгичи ва ўзаги бўлиши лозим. Партиянинг душманлари унга қанчалик чуқур чоҳ қазимасинлар, коммунизмга қарши, миллатчи, ажрамачи тўдалар партияни сиёсий ҳаётдан четлаштиришга қанчалик уринмасинлар, партия мамлакатнинг энг нуфузли ва таъсирчан кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Ҳукумат ана шунга асосланиб, жамиятни дастурни кутиб олишга тайёрлашга доир тушунтириш ишларида ҳам, бу дастурни амалда рўёбга чиқаришни ташкил этишда ҳам партия ташкилотлари ва комитетларининг, коммунистларнинг ҳар томонлама ёрдами ва мададига умид қилади. Биз биринчи навбатда ана шу фаолиятга коммунистлар —барча даражадаги халқ депутатлари Советларининг депутатлари, ижроия ҳокимият идоралари, вазирликлар ва маҳкамаларнинг ходимлари фаол қўшилишлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Улар дастур қоидаларини, айниқса ҳўжалик алоқаларини сақлаб туришга, молия ва пул муомаласини мустаҳкамлашга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, аҳолини иш билан таъминлашга доир чора-тадбирларни фаоллик билан амалга оширишлари керак.

Бошланғич партия ташкилотлари партия турмушини ўтказишнинг қудратли дастагидир. Улар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари, бу жараёнларнинг ижтимоий моҳиятини тушунтириб беришлари ҳамда улар меҳнаткаш инсон учун яратадиган имкониятларини кўрсатиб беришлари лозим. Ниҳоят сўнгги масала. Партиянинг обрў-эътибори, унинг мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ўрни пировард натижада бизнинг баёнотларимиз ва декларацияларимиз билан эмас, балки ҳақиқатда амалга оширадиган ишларимиз билан, жамиятдаги вазиятни яхшилайдиган ва одамлар қалбига умид бахш этадиган амалий чора-тадбирларни таклиф қилиш ва уларни амалга ошириш қобилиятига қараб белгиланади.

Пленумимизни айни шундай манфаатдорлик ва амалий руҳда ўтказиб, келажакни етарли даражада олдиндан кўра биламиз, деб умид қиламан.

«МАДАНИЙ МЕРОСГА ИХЛОС»

ПОЙТАХТИМИЗ ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ 254-МАКТАБДА АНА ШУНДАЙ МАРКАЗ ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА ИШ БОШЛАДИ. КУНИ КЕЧА «МАДАНИЙ МЕРОСГА ИХЛОС» МАРКАЗИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАРИ, ПАРТИЯ, СОВЕТ, КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР

ЎЛКАМИЗ тарихи ва маданияти узоқ асрларга бориб тақалади. Бу кўҳна заминда яратилган бой маданий мерос ўтмиш авлодларимизнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ниҳоятда салмоқли эканлигидан далолатдир. Асрлар оша бизгача етиб келган кўҳна қўлёзмаларни варақлар эканмиз ал-Хоразмий, ас-Самарқандий, Ал Бухорий, ат-Термизий, Улуғбек, Навоий, Бобур сингари ватандошларимиз жаҳон фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшганлигидан фахрланамиз. Афсуски, алломалар қолдирган кўплаб асарлар кенг жамоатчиликка яхши маълум эмас.

Адолат юзасидан шуни таъкидлаш керакки, бундан қарийб бир йил муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг ташаббуси билан меросимиз масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қисқа муддатда маданий меросимиз, маънавий қадриятимизни ўрганиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Республика рўзнома ва ойномалари, радио ва телевидение орқали олимларимиз ва мутахассисларнинг чиқишлари бўлди. Аммо бу ишлар денгиздан бир қатрадир. Маданий меросимизни ўрганиш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Қолаверса, матбуот орқали олиб борилаётган ишлар кенг жамоатчиликни, айниқса, ўқувчи ёшларни қамраб олганича йўқ. Жумҳурият раҳбарияти маданий меросни ўрганишга алоҳида эътибор бериб, махсус ҳаракат дастури ишлаб чиқишни топширди. Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг бундан бир ой муқаддам бўлиб ўтган мажлисида маданий мерос масаласи махсус муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шу мажлисда жумҳуриятда «Мерос» ойномасини нашр этиш ҳақидаги таклиф ҳам қўллаб-қувватланди. Бой маданий меросимизни ҳар томонлама тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилди. Мана шу мулоҳазаларни ҳисобга олиб ўтмиш меросимизни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш мақсадида республика ўрта умумий таълим мактаблари қошида «Маданий меросга ихлос» марказини ташкил қилиш айни муддаодир. Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, бу ижодий уюшманинг асосий мақсади халқимизнинг асл маънавий бойлиги ҳисобланган маданий меросимизни чуқур ўрганишдир.

Марказ ўқувчиларда ўзбек халқининг ўтмиши ва ҳозирги тарихга, миллий маданияти, илғор, азалий анъаналари, адабиёти ва санъатига ихлос, меҳр-муҳаббат, ифтихор ва ғурур ҳис-туйғуларини шакллантириш; ўқувчиларда ўтмиш авлод-аждодларимиз даҳоси ҳурмат ва эътибор, улар меросини эъзозлаш ва ўрганиш жараёнида ўқувчи ёшларимизда ҳақиқий ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган. Марказ ўз фаолияти даврида ўтмиш авлодларимизнинг яхши урф-одатлари, расм-русумлари, гўзал анъаналарини ўқувчилар онгига сингдириш каби масалаларга алоҳида эътибор беради. Масалан, ҳазрати Алишер Навоий даврида одат тусига кириб қолган устознинг ўз шогирдлари билан мушоиралари каби анъанани ўқувчилар билан уюштириш ҳозирги кунда ҳам ижобий натижа бериши шубҳасиздир. Мана шу тарзда Навоий, Бобур, Умар Хайём, Бедил, Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ва бошқа шоир ва адибларимизнинг ҳаёти ва ижоди чуқур ўрганилмоғи керак.

ИЖОДИЙ уюшманинг асосий вазифаларидан бири шуки, у ўз фаолиятини ўзига хос услубда ташкил қилиб, таълим-тарбиянинг замонавий хилма-хил ва самарали шакларидан кенг кўламда фойдаланади. Машғулотларда қатнашган ҳар бир ўқувчи масаланинг туб моҳияти ва мазмунини чуқур англаши, унинг ўз қалби-ю ақл-идроки билан тўлиқ ўзлаштириши керак. Машғулотлар шу йўсинда бўлгандагина марказ ўз вазифасини тўла адо этади.

Машғулотлар жумҳурият Халқ таълими вазирлиги томонидан аниқ, пухта тузилган режа ва жадвал асосида олиб борилади. Фаолият самарасини билиш учун тажриба тариқасида марказ Тошкент шаҳри Октябрь районидаги 254-ўрта мактабда ташкил этилди.

Биз ушбу марказ ишига катта умид ва эътибор билан қарамоқдамиз. «Маданий меросга ихлос» маркази машғулотларини олиб боришга республикамизнинг кўзга кўринган олимлари — шарқшунослар, тарихчилар, тилшунослар, санъатшунослар ва бошқа соҳа мутахассислари жалб қилинган. Маданий меросни ўрганиш бўйича машғулотларни олиб борадиган олимларга барча шароитлар яратиш кўзда тутилган. Моддий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Уларнинг ҳаммаси дорилфунун профессори даражасида маош оладилар.

«Маданий меросга ихлос» ижодий марказининг ташкил қилиниши бой ва қимматли меросимиз, қадриятларимизнинг ўрганиш йўлида дастлабки қадамдир. Яқин орада худди шундай марказ рус тилида ўқитиладиган мактабда ҳам ўз фаолиятини бошлайди. Бу ерда ўзбек тарихий ва маданий мероси билан бирга рус адабиётининг таниқли намояндалари — Пастернак, Анна Аҳматова сингари адиблар, санъаткорлар ва рассомларнинг бой ижодий меросини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Кейинчалик бундай иш барча вилоятларда ташкил этилади. Бу хайрли иш ёш авлоднинг маданий меросга ихлосини оширишга, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга ва бу муносабатлардаги мадниятни янада шакллантиришга хизмат қилишига ишонамиз.

Ш. ЗИЁМОВ,
Ўзбекистон ССР Президентининг миллий масалалар бўйича маслаҳатчиси.

Эркинжон Кенжаевнинг асли касби педагоглик. У Киров районидаги Маяковский номли ўрта мактабда ишлаб юрган кезлари ўзидаги ташкилотчилик қобилиятини намоён қилди. Комсомол ишига ўтди, 4-ҳунар-техника билимюрти комсомол ташкилотига етакчилик қила бошлади. Меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги билан эл назарига тушди. У Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегат қилиб сайланган.

Суратда: Э. Кенжаев билим юрти ўқувчилари билан.

З. ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов Тошкентга келган Эрон Ислом Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Изодини 26 апрель куни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбатда икки томонлама муносабатларнинг айрим масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг март ойининг охирида Эрон делегациясига бошчилик қилиб Ўзбекистонга келган Оятулло Абдулкарим Мусавий билан учрашувида шу алоқаларни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилган эди.

Меҳмон Самарқанд ва Бухорога боради. **(ЎзТАГ).**

Вилоят Советининг сессияси

БУХОРО, 26 апрель. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда халқ депутатлари Бухоро вилоят Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия иштирокчилари вилоят Совети ижроия комитетининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тингладилар. Вилоят ижроия комитетининг раиси М. Р. Раҳмонов маъруза қилди.

Шунингдек вилоят Советининг саноат масалалари доимий комиссиясининг ҳисоботи тингланди, бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда вилоят Советининг раиси, Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров нутқ сўзлади.

ТУРКМАН ДИЁРИДА НАВОИЙХОНЛИК

Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги қардош Туркманистонда ҳам қизғин кутиб олинмоқда. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов бошчилигидаги жумҳуриятимизнинг бир гуруҳ ижодкорлари ва санъат усталари Тошҳовуз вилоятида Навойҳонлик кунларини ўтказадилар.

Ўзбекистонлик меҳмонлар Навоий номли жамоа хўжалигида ҳар икки халқ бирдек ардоқлайдиган улуғ шоир Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши маросимида қатнашдилар. (ЎзТАГ).

• *Совет Армияси ҳаётидан*

КУЧ-ҒАЙРАТНИ БИРЛАШТИРАЙЛИК

25 апрель куни Тошкентда ҳозир ҳам ҳарбий хизматни Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида давом эттираётган байналмилалчи жангчиларнинг конференцияси бўлиб ўтди. Бу анжуман уларни бирлаштиришнинг бамисоли якунловчи босқичи, илгари округ қисмларида, ўқув юртларида ва ҳарбий комиссариатларидаги ташкилий йиғилишлар ва конференцияларнинг якуни бўлди. Бу йиғилиш ва конференцияларда тегишли кенгашлар сайланган эди.

Округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Г. Г. Кондратьев қўшинларнинг жанговар қобилиятини ошириш ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида байналмилалчи жангчилар ишининг асосий йўналишлари ва вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Делегатлар Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчиларига мурожаатнома қабул қилдилар. Байналмилалчи жангчиларнинг округ кенгаши, байналмилал бурчини бажарган ҳарбий хизматчиларнинг умумармия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференция ишида СССР Қуролли кучлари ҳарбий-сиёсий бошқармасининг масъул ходими генерал-майор В. И. Канарик қатнашди.

(ЎзТАГ).

Журналларнинг янги сонларида

«МУЛОҚОТ»

Жариданинг тўртинчи сони ҳам одатдагидек «Муҳаррир минбари» рукни билан очилади. Ана шу рукнда берилган «Нимани эксак—шуни ўрамиз» сарлавҳали мақолада ҳар томонлама маърифатли ва маданиятли, баркамол ёшларни тарбиялаш масалалари кўтарилган.

Фалсафа фанлари доктори профессор Кўчқор Хонназаровнинг «Ғоявий исканжа: иллатлар ва сабоқлар» сарлавҳали мақоласида социализмнинг босиб ўтган 70 йиллик йўли, носоғлом мафкуранинг салбий таъсири ва шахсга сиғиниш оқибатлари ҳақида атрофлича мулоҳаза юритилади.

«Ўзбекни ўзбек қилиб турганлар» рукни остида бу сафар Ўзбекистон ССР халқ шоири, жумҳурият Президентлик Кенгаши аъзоси Шукрулло, таниқли олим, профессор А. Рустамов ва Тошкент шаҳридаги 254-ўрта мактаб директори Й. Абдуллаевлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатида мураббийчилик ҳаракатининг миллий анъаналари, унинг жамиятдаги ўрни ва вазифалари хусусида кескин фикрлар ўртага ташланади.

Таниқли олим ва адиб Сарвар Азимовнинг «Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ» сарлавҳали мақоласида Ҳамид Олимжоннинг ижодий йўли, кўпчиликка маълум бўлмаган фазилатлари хусусида фикр борса, навоийшунос Ботирхон Акрамовнинг «Кўз лавҳи»да акс этган олам» номли мақоласида Навоий шеърларида кўз тасвири ва унинг оламга қарашлари хусусида мулоҳаза юритилади.

Тарихга янгича назар билан қараш, тарих ҳақиқатини тиклаш масаласи жариданинг бу сонида ҳам асосий мавзулардан бири бўлиб қолган. Жумладан, тарих фанлари номзоди, доцент Шоди Каримовнинг «Тақдир изтироби» номли мақоласида Октябрь инқилобининг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрнига ўзига хос баҳо берилса, Сайфиддин Жалиловнинг «Ассалом, ҳазрати Бобур!» мақоласида эсе Бобурга бўлган ҳозирги муносабат янгича талқин этилади.

«Еттинчи саҳифа меҳмони» рукни остида берилган суҳбатда таниқли олим Эркин Юсуповнинг ҳозиргача кўпчиликка маълум бўлмаган ҳаёти ва фаолиятининг айрим қирралари, ташвишлари, қарашларидан воқиф бўласиз.

Муштарийлар жариданинг бу сонида янги — «Мулоқот» дефиниси» деб номланган рубрика билан ҳам танишадилар.

БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ СОВҒА

Жумҳурият Қурилиш вазирлигига қарашли 7-трестнинг 2-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари Гулистон шаҳридаги вилоят мусиқий-драма театри биносини қуриб битказдилар. Мазкур театр биноси Москвадаги «Гипротеатр» институти ходимларининг лойиҳаси асосида барпо этилиб, унга 1 миллион 761 минг сўм маблағ сарфланди. Театр биносини ўтган йили фойдаланишга топшириш кўзда тутилганди, — дейди колонна бошлиғи М. Усмонов. — Бироқ буюртмачи — жумҳурият Маданият вазирлиги пудратчиларимизни зарурий технологик ускуналар, кабель маҳсулотлари ва махсус материаллар билан ўз вақтида таъминлай олмадилар. Натижада қурилиш чўзилиб кетди.

Бинокорлар бўш келишмадик. Лойиҳачилар билан ҳамкорликда объект қурилишига ўзгартиришлар киритиб, бинони Шарқ услубида бунёд этишга муваффақ бўлдилар. Театрнинг олд томони ганчкорлик намуналари билан безатилди. Томошабинлар учун бир қатор қулайликлар яратилади. Жумладан, шинам вестибюль, кўргазма ва кино заллари, тамаддихона қурилди. Замонавий овоз техникаси ҳамда ёруғлик ускуналари ҳам ўрнатилди.

Ҳозир мазкур объектда сўнгги пардозлаш ва театр ускуналарини монтаж қилиш ишлари олиб бориляпти. Қурувчилар меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни 1 Майга қадар театр биносини тўлиқ фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

В. ТИРИН,
Сирдарё вилояти.

• *Эртага—Умумжаҳон бирodарлашган шаҳарлар куни*

ДЎСТ ЮЗ МИНГ БЎЛСА ОЗ

28 апрель куни мамлакатимиздаги кўпгина шаҳарларда ва чет мамлакатларда Умумжаҳон бирodарлашган шаҳарлар куни нишонланади. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» мухбири Тошкент шаҳар Кенгаши ташқи алоқалар бўлими мудири Қаҳрамон Рустамович Раҳмоновга мурожаат қилиб, пойтахтимизнинг бирodарлашган шаҳарлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Совет шаҳарлари Умумжаҳон бирodарлашган шаҳарлар федерацияси ишида 1957 йилдан иштирок этмоқда,— деди Қ. Раҳмонов. Тошкент Умумжаҳон бирodарлашган шаҳар федерациясига биринчи бўлиб аъзо бўлган шаҳарлардан. Ҳозирги кунда Иттифоқимиздаги 150 та шаҳар жаҳондаги 70 мамлакатнинг 400 га яқин шаҳарлари билан алоқа боғлаган.

Тошкент шаҳри 30 йил мобайнида Умумжаҳон бирodарлашган шаҳарлар ҳаракатида иштирок эта бориб, Осиё, Африка, Европа, Америкадаги 8 шаҳар билан бирodарлик, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шаҳримиз «Тинчлик элчиси» деган фахрли номга эга бўлди. Бу ном Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Перес де Куэльяр томонидан берилган.

Тошкент шаҳар Кенгаши бирodарлашган шаҳарлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши ва унинг ижроия қўмитасида ўтган йили жаҳондаги 14 мамлакатдан 36 делегация қабул қилинди. Чунончи, АҚШ, Япония, Туркия, Бельгия, Хитой Халқ Республикаси делегациялари ана шулар жумласидандир.

Чет эл меҳмонлари билан бўлган учрашувлар ва суҳбатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ниҳоятда ишчанлик руҳида ўтди. Профессор Ж. Мейнард бошчилигидаги Сиэтл шаҳридан келган шифокорлар гуруҳи билан бўлган суҳбатни алоҳида таъкидлаш керак. Ана шу суҳбат натижасида Тошкентда сариқ касалининг «Б» турига қарашли вакцина ишлаб чиқариладиган линия қуриладиган бўлди.

Ўтган йилнинг июль — август, ноябрь ва декабрь ойларида шаҳар Кенгаши ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари Сиэтл, Марокаш ва Кортрейк шаҳарларида бўлишди. Бирodарлашган шаҳар — Сиэтлга саёҳат, ўтказилган «Яхши ният ўйинлари» шуни кўрсатдики, бирodарлашган шаҳарлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини янада кенгайтириш мумкин. Учрашувлар ва суҳбатлар вақтида томонлар ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ҳақида фикр алмашдилар. Делегация аъзолари бизнинг шаҳар хўжалигимизда амалга оширишга арзигулик тажрибалар борлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. «Яхши ният ўйинлари» пайтида «Тошкент — Сиэтл» бирodарлашган шаҳарлар сурат-альбоми чоп этилганлиги алоҳида эътиборга сазовордир.

Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, араб мамлакатлари билан ишчанлик алоқаларини тараққий эттириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бирodарлашган шаҳар — Марокашда ўтказилган «Тошкент кунлари» якунлари ана шундан далолат беради.

Ўтган йил декабрь ойида Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари бирodарлашган шаҳар Кортрейкка, «Шимол-Ғарб» тижорат кунларида қатнашиш учун бориши ва шаҳарнинг 800 йиллиги тантаналарида иштирок этиши муҳим аҳамият касб этди. Расмий делегацияга жумҳурият Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов раҳбарлик қилди. Шунингдек, бу тадбирда республикамизнинг ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда Тошкент модалар уйи ходимлари қатнашди. 6 декабрь куни Кортрейк (Бельгия) Тошкент (СССР), Гринвиль шаҳарлари (АҚШ) билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Республикамизнинг Кортрейк билан алоқалари мустаҳкамланаётганлиги туфайли «Ўзбекистон — Бельгия» жамияти таъсис этилди.

Яқинда Сиэтл тиш шифокорларидан бир гуруҳи Тошкентда бўлди. Улар шаҳримиздаги 4-стомотология поликлиникаси ва 1-Тошкент медицина институтида тажриба алмашишди. Август ойида сиэтллик мактаб ўқувчилари тошкентлик тенгдошлари билан ҳамкорликда янги асарни саҳналаштиришади. Шу йил сентябрь ойида Цинциннатти шаҳрида Совет Иттифоқи ва Америка бирodарлашган шаҳарларининг II учрашуви ўтказилади.

Шубҳа йўқки, Тошкент шаҳар Кенгаши бундан буён ҳам чет эл шаҳарлари билан дўстона алоқалар самарадорлигини ошириш, халқ дипломатияси асосида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини тараққий эттиришнинг янги-янги йўлларини излаб топиш учун интилаверади.

Суҳбатни М. АБДУҚОДИРОВА ёзиб олди.

Сиэтллик Доэнлар оиласи ярим йилдан буён пойтахтимизда яшаб, бу ердаги юқумли касалликлар институтида ишламоқдалар.

СУРАТДА: Рошиус Доэн оиласи тошкентлик болалар даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Ҳамкасбларимиз ижодидан

МЕҲР ГУЛХАНИ БАЛҚИСИН

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Муқаддас Солиҳ қизи (Абдусаматова)нинг касби журналист. Мана, бир неча йилдирки, республика комсомол-ёшларининг рўзномаси — «Ёш ленинчи»да бўлим бошлиғи. Лекин у бадиий лавҳалар, очерклар, публицистик мақолалар баробарида шеър ҳам ёзади, яъни бадиий ижод билан шуғулланади. Шеърият мухлисларига айниқса унинг «Энг ёруғ юлдуз», «Азиз болалар» китоблари яхши таниш.

ҚАЙТАРИБ БЕР БОЛАЛАРИМГА

Соғинаман болалигимни,
Шўхлигим ҳам оловлигимни.
Тўлқин мисол бедовлигимни,
Соғинаман болалигимни.

Орзуларим кўп тиниқ эрди,
Барча ҳаёт хўп ширин дерди.
Юрагимга соф меҳр берди,
Орзуларим кўп тиниқ эрди.

Болалигим бахт сурурлари,
Тахтапулнинг тошқин сувлари,
Боғ ичида чаман гуллари,
Болалигим бахт сурурлари.

Шукронаким энди онаман,
Фарзандларим меҳрин қонаман.
Замон зайли ўйлаб қоламан:
Шукронаким энди онаман.

Қайтариб бер болаларимга,
Юрак завқи ва доғларимга,
Тиниқ орзу, шўх чоғларимни,
Қайтариб бер болаларимга.

МЕН БИР ҚЎШИҚ ЁЗАЙКИ...

Мен ёзайки бир қўшиқ,
Жаранги ерни тутсин.
Тинглаган диллар яйраб,
Ғуборни ювиб ўтсин.

Мудроқ қалблар уйғониб,
Алқасин муҳаббатни.
Оҳанглари нур мисол,
Таратсин вафо, бахтни.

Фарзанд доғида куйган
Онага бўлсин малҳам.
Термулган кўзларига
Бўлсин нуру зиё ҳам.

Қўшиғим тинглаганлар
Омади кулиб боқсин.
Ҳасад, ғазаб йўқ бўлиб,
Меҳр гулхани балқсин.
Мен бир қўшиқ ёзайки...

ИНСОННИ АВАЙЛА

Яшнаш учун яралган олам,
Яшаш учун яралган одам.
Одамларнинг кўнглин
шод айла,
Инсон, инсонни авайла.
Халос этгил дилни ҳасаддан,
Ёмонлик ҳам қилмагин
қасддан.

Яхшилик йўлни обод айла,
Инсон, инсонни авайла.
Унинг билан мазмунли ҳаёт,
У бўлмаса надир коннот.
Тинчликни сен эътиқод айла,
Инсон, инсонни авайла.

Муқаддас СОЛИҲ қизи.

• Спорт •

ФУТБОЛ:

МАВҚЕЛАРДА ЎЗГАРИШ

● Биринчи лига жамоаларининг бешинчи тур учрашувлари ўйинлар жадвалида бироз ўзгариш ясади. Чунончи, биринчи ўринни эгаллаб турган «Тилигул» футболчилари «Ротор» жамоасини қабул қилиб (1:1), очко йўқотишди. Жами очколари эса 9 та. «Таврия» ва «Текстильщик» футболчилари навбатдаги ғалабадан кейин 7 тадан очко билан иккинчи, учинчи ўринларга кўтарилишди. «Ротор», «Нефтчи» «Зенит» футболчилари 6 тадан очко тўплашган. Фарғона водийси футболчиларининг ҳам омадлари келди. Чунончи, «Нефтяник» жамоаси «Локомотив»ни қабул қилиб, дарвозага битта жавобсиз тўп киритди. Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари эса «Шинник» жамоасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида муваффақият қозондилар. «Навбаҳор» очколарини 5 тага етказиб, мавқеини анча яхшилаб олди. «Нефтяник» ҳисобида 3 та очко бор.

ХОККЕЙ:

ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

● Финляндияда давом этаётган Европа ва жаҳон чемпионатида Совет ва Канада хоккейчилари қўш пешқадамлик қилишаётган эди. Бу жамоаларнинг ўзаро учрашувидан кейин ягона пешқадам аниқланди. СССР хоккейчилари Канада жамоаси дарвозасига бешта шайба киритиб, учтасини қўйиб юбордилар. Шундай қилиб, хоккейчиларимиз 10 та очко билан биринчи ўриндаги мавқеларини мустаҳкамлашди. Швейцария — АҚШ — 2:4, Швеция — ЧСФР — 2:1, Финляндия — Олмония — 6:0. Бу ўйинлардан сўнг Канада ва Швеция жамоаларида 8 тадан, Финляндия ва АҚШ хоккейчиларида 5 тадан очко тўпланди. ЧСФР жамоаси ҳисобида 4 та очко бор.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

29 апрель—5 май

ҲАР КУНИ

● 8.00 «СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ» (шанба ва якшанбадан ташқари кунлари, ЎзТВ I).

● 18.00 да Ўзбекистон телевидениесининг «ЯНГИЛИКЛАР» кўрсатуви (ЎзТВ I).

● 19.30 да рус тилида «АХБОРОТ» программаси (ЎзТВ I).

● 22.00 да ўзбек тилида «АХБОРОТ» программаси (ЎзТВ I).

● 6.00 да Марказий Телевидениенинг «ТОН» мусиқий кўрсатуви (МТ-I орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениенинг «ВРЕМЯ» программаси.

● 11.30 да ТСН — Янгиликлар телевизион хизмати хабарлари (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30 да — ҳар куни, МТ-I).

● 8.00 да ЭРТАЛАБКИ БАДАНТАРБИЯ (МТ II орқали якшанбадан ташқари, якшанба куни «ЗАРЯДКАГА САФЛАНИНГ».

● 19.30 да «ХАЙРЛИ ТУН, КИЧКИНТОЙЛАР». (МТ II орқали).

• 29, душанба

● ЎзТВ I

8.15 «Халқ тароналари» Фильм-концерт. 8.45 «Волга тўлқинлари мавж урганда». Ҳужжатли фильм. 9.15 «Ҳокимият Шўроларга», 9.45 «Лайлак учди, ғоз учди». Бадиий фильм. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 «Маорифимиз муаммолари». 19.00 «Халқаро ҳаёт». 19.50 Тижорат хабарлари. 19.55 «Санъат олами». 21.15 Ўзбекистон Давлат телерадиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари». 22.30 «Адолат».

● ЎзТВ II

19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Спринт». 20.15 «Байрамали». Телефильм. 21.15 «Дориҳоналар хизматингизда». 22.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Мираж».

● МТ I

8.30 «Мулоқот». 8.45 Футбол шарҳи. 9.15 Халқ ижодиёти фестивали совриндорларининг концерти. 10.20 «Чехарда». Бадиий фильм. 14.00 ТСН. 14.15 «Ўшанда сен қайтиб келсанг...». Бадиий фильм. 15.15 «Болалар мусиқий клуби». 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 Болалар соати. 17.05 Лирик альбом. 17.30 Бозор қонунларига биноан. 18.00 ТСН. 18.15 «Мулоқот». 18.30 «Виртуози Москви» камер оркестри томошабинларининг талабларига биноан. 18.50 Футбол шарҳи. 19.25 «Театр». Бадиий фильм, 1-серия. 21.15 «Театр». Бадиий фильм, 2-серия. 22.30 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

● МТ II

7.00 «Ишбилармон кишининг тонги».

8.15 Ўқув кўрсатувлари.

12.05 «Планета». Халқаро программа. 15.35 Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. 16.20 «Ватанни қўмсаб». Ҳужжатли фильм. 17.15 «Телевизион мусиқий абонемент». 18.25 «Деразадан боқсанг». 1-кўрсатув. 19.45 Футбол. СССР чемпионати. 21.15 «Вьетнам гуллари». 22.00 «Усек водийсининг жилолари». Телефильм. 22.25 Футбол бўйича СССР чемпионати.

• 30, сешанба

● ЎзТВ I

8.15 «Жонли камалак». Бадиий фильм. 9.20 «Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти». 9.50 «Исмоил Жалилов куйлайди». Фильм-концерт. 10.00 Илғор тажриба мактаби. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Талабалик йилларим». 19.00 «Фармон ва ижро». 19.45 Узбекистон Давлат телерадиоси «Тановар» рақс ансамблининг концерти. 21.15 «Севги ва баҳор тароналари». Мусиқий кўрсатув. 22.20 «Спортлото». 22.25 «Учар йигит». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

19.00 «Шаҳар усталари». Телефильм. 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Монреаль джаз балети». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Иззат Қиличев». Телефильм. 21.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Сизни таклиф этганда». 22.05 «Театр учрашувлари».

● МТ I

8.30 Долзарб репортаж. 8.45 «Болалар соати. 9.45 «Мен сизни севардим...». Бадиий фильм. 14.45 «Мартаба». Бадиий-ҳужжатли кўрсатуви. 15.45 Мультфильм. 15.55 Телефильм. 16.15 «А. Вивальди. Йил фасллари». Телевизион мусиқий фильм. 16.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида (17.40) — ТСН). 19.30 Рус қўшиқлари академик хорининг концерти 21.15 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 22.15 «Меридиан». Халқаро янгиликлар. 22.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати.

● МТ II

8.15 Ўқув кўрсатувлари.

12.05 Ритмик гимнастика. 12.35 Америкача футбол. 15.40 «Штраус оламида». 16.15 Телефильм. 17.10 «Тонг юлдузи». 18.10 «Деразадан боқсанг» 2-кўрсатув. 19.05 «Инспектор Лосев». Бадиий фильм, 1-серия. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.15 Инспектор Лосев Бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар.

• 1, чоршанба

● ЎзТВ I

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

8.00 «Яшнаб, яшнаб Май келди». 8.40 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оила». 9.50 Тошкент **В. И. Ленин номли майдон Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган халқ сайли.** Кўрсатув тугагач — «Дўстлик чаманзорида». Концерт. 11.55 Москва. **В. И. Ленин номли майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган митинг.** 13.00 «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия. 14.10 Мультфильмлар. 14.40 «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм, 2-серия. 16.00 «Зарипов йигитлари». Цирк томошалари. 18.00 «Май қувончлари». 18.30 Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган халқ сайлидан репортаж. 19.50 «Мултипанорама». 21.15 «Май табассуми». 22.30 «Май табассуми» мусиқий кўрсатувининг давоми.

● ЎзТВ II

19.00 «Концертдан олдин», «Янги учрашувлар». Фильм-концертлар. 19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Олқишлар». 21.15 «Чет эл киноси юлдузлари». 21.55 «Узоқ ва яқин йиллар». Бадиий фильм.

● МТ I

7.30 ТСН. 7.55 Телефильмлар. 8.25 «Фалькон». Бадиий фильм. 9.25 «Бувам замонидан бери». Ҳужжатли фильм. 9.40 «Михаил Муромов». Қўшиқдан қўшиққа». 10.15 «Бир оламнинг турфа овозлари». 10.50 «Золушка ҳузурида зиёфатда». 11.55 Москва. **Қизил майдон. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1-Майга бағишланган митинг.** 13.00 «Оққуш кўли». Спектакль. 15.00 Мультфильм. 15.10 «Парнас сари бир босқич». 16.25 «КВН-91». 18.20 «Уолт Дисней таништиради...». 19.10 «Князь Удача Андреевич». Бадиий фильм. 21.15 «Голубой огонёк» Байрам мусиқий кўрсатуви. 23.10 «Рақслар, рақслар, рақслар...»

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия. 7.50 Концерт. 8.15 «Гидронавтлар». Ҳужжатли фильм. 8.35 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. 9.35 Болалар учун фильм. «Катта саргузашт» 1-серия. 10.50 Мультфильм. 11.10 «Қарияларнинг иши». Телеспектакль. 12.10 Қадрдон оҳанглар. 12.25 «Гимназиячилар». Телефильм. 13.15 «Қўрқма мен сен билан». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 15.45 «Муқаддас жойлар. Телеочерк. 16.10 «Мен севган театр». 17.10 Шоир Н. Денисов ижодий кечаси. 19.15 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.45 Рус халқ қўшиқларини Е. Молодцова ижро этади. 20.00 «Делегатскаядаги музей». 21.15 «Аёлларни эъзозланг». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

• 2, пайшанба

● ЎзТВ I

8.15 Наманган вилояти ҳажв театрининг томошалари. 9.00 «Фудзиямага чиқиш қийин». Бадиий фильм. 11.05 «Иқбол». 12.45 «Меъморчилик истиқболлари». 13.25 «Келинлар кўзғолони». Спектакль. 18.00 Мультфильм. 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Совриндорлар». 18.45 «Кино ва цирк». Кинокўрсатув. 19.45 «Хизматбеминнат». Телевизион миниатюралар театрининг байрам сайли. 21.15 «Хизмат-беминнат» (давоми). 22.20 Ботир Зокиров номидаги жумҳурият ёш эстрада ижрочилари 1 танлови ғолиблари ва меҳмонларининг концерти.

● ЎзТВ II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда». 21.15 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.

● МТ I

7.30 ТСН. 7.50 Воронеж Давлат рус халқ хорининг концерти. 8.25 «Деҳқончилик мақоми». Телефильм. 9.30 Мусаввир Ф. Константинов. 10.30 Мультфильмлар. 11.00 СССР Маданият вазирлиги Давлат симфоник оркестрининг концерти. 11.30 «Софья Коволевская». 1-серия. 12.50 «50х50» «...16 ёшгача ва ундан катталар» кўрсатувига мусиқий илова. 14.45 Мультфильмлар. 15.10 «Кутичангни оч». Телефильм. 15.35 «Даврани кенгроқ олинг». 18.05 «Зверобой». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 21.15 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина. 22.20 Катталар учун мультфильм. 22.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 00.35 «Цветной, 13»даги рандеву».

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия. 7.45 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». 8.30 Болалар учун фильм. «Катта саргузашт», 2-серия. 9.50 «Уйғон ва куйла». Фильм-спектакль. 11.30 Мультфильм. 13.20 «Тундранинг ҳарорати бугилар билан». Телефильм. 14.10 «Сосновкада премьера». Бадиий фильм. 15.25 «Эртанги кун яхши бўлади». Телефильм. 16.00 Спорт ҳамма учун. 16.15 «Илҳом». Телефильм. 16.25 Мультфильмлар. 16.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 19.45 «Шахсий компьютерлар олами». 20.00 Дунё халқларининг ижоди. 21.15 Футбол. СССР чемпионати. 22.05 «Турбинларнинг қўнлари» Бадиий фильм, 1-серия. 23.20 «Вертикаль» туркумидан телефильм.

• 3, жума

● ЎзТВ I

8.15 «Номаълум Бухоро». Ҳужжатли фильм. 8.45 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 1-серия. 10.05 «Ёшлик». студияси кўрсатади. «Нишона». 10.45 «Ҳамроз». Бадиий фильм. 2-серия 18.00 Мультфильм. 18.10 «Истиқбол». 19.00 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабалари ижросида чанг тароналари. 19.45 Тижорат хабарлари. 19.55 Касаба уюшмаси ҳаётидан. 21.15 «Навоий гулшани». 22.20 «Танҳо сузиш». Бадиий фильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Цирк! Цирк! Цирк!» 19.40 «Оқ бузоқча ҳақида афсона». Телефильм. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Ўзбекистоннинг биринчи верталётчилари». Телефильм. 21.15 Ўзбек классик балети ҳақида. 21.55 «Уддабурон Берендеев». Бадиий фильм.

● МТ I

7.30 ТСН. 7.50 Концерт. 8.20 «Бўрилар ва қўйлар». Фильм-спектакль. 11.15 «Тонг юлдузи». 12.15 «Софья Ковалевская». Бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. 14.45 «Веди». 15.15 «Янги авлод ёнлайди». 16.30 «Америка киноси саҳифаларида». Киноконцерт. 17.10 Шеърият лаҳзалари. 17.20 «Халқаро панорама». 18.05 «Бизнинг бронепоезд». Бадиий фильм. 21.15 ССР Иттифоқи Давлат академик халқ рақс ансамблининг концерти. 22.10 «ВИД» таништиради.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия. 7.45 Ксения Георгиада куйлайди. 8.10 «Елецга қайтиш». Телефильм. 8.35 «Шуригина хоним». Телеочерк. 9.15 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 10.15 «Здоровье». 10.45 «Қовун». Телевизион бадиий фильм. 11.45 Литва камер оркестрининг концерти. 12.35 «Туймаада» вокал ансамблининг чиқиши. 12.45 Узбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 16.15 «Оила» телепрограммаси. 17.10 Америкача футбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Европанинг маданий марказлари». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 5-фильм — «Мюнхен». 19.25 Коллаж. 19.45 «1990 йилнинг энг маҳоратли спортчилари билан учрашув». 21.15 «Турбинларнинг кунлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. 23.30 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Арарат».

• 4, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Прерия». Бадиий фильм. 10.35 «Давлат томонидан муҳофаза қилинади». Телефильм. 11.05 «Халқ ўйинлари» 11.35 «Инсон ва атроф муҳит» 12.15 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». 13.05 Ўқувчиларда эстетик дидни тарбиялаш. 18.05 Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун «Тенгдошлар». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.50 «Қадрдонлар кўчаси». Ҳужжатли фильм. 20.15 «Оқшом эртаклари». 21.15 «Рақслар гулдастаси». 22.00 «Ҳафтанома». 23.00 «Мозийдан бир саҳифа» видеофильми ҳақида.

● ЎзТВ II

9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

7.30 ТСН. 7.50 Ритмик гимнастика. 8.20 Мультфильм. 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан ҳизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.30 «Қишлоқ янгиликлари». 13.30 «Мусиқий киоска». 14.00 «Муҳоваза ёрлиғи». 14.45 Мультфильм. 15.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 17.30 «Прага архиви сири». 18.45 Виолончел ва фортепьяно учун соната. 19.00 «Тонгги шоссе». Бадиий фильм. 21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 23.30 «Брэйн ринг». 6-сон.

● МТ II

7.15 «Зарядкага сафланинг!». 7.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 17.45 «Киносерпантин». 1-, 2-, 3-дубль.

• 5, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм. 10.40 Араб тили. 11.10 «Медаллар шодаси». 12.40 «Нон қадри». 13.10 Инглиз тили. 13.40 «Саҳна табассуми». 14.35 «Болалар матбуоти». 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 «Қичкинтой» кўрсатуви. 19.00 «Ҳаёт билан ҳамнафас». Матбуот кунига бағишланади. 19.45 «Дил розе». 21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.20 «Деҳқон ва замин». 23.00 «Оила».

● ЎзТВ II

9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

8.30 Ишчан чопар. 8.50 «Спортлото» тиражи. 9.05 «Зверобой». Бадиий фильм. 9.25 «Ишчан чопар. 14.45 «Учрашувлар даври». Бадиий фильм. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 «Онам, дадам ва мен». 16.35 Мультфильм. 16.45 Концерт. 17.45 Ишчан чопар. 18.15 «Чернобиль тупроғининг ташвишлари». Телеочерк. 18.45 «Эфирда мусиқа». 19.20 «Адвокат». Бадиий фильм, 1-серия. 21.15 «Хронограф». 21.30 Евровидение қўшиқлар танлови. 00.30 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия. 8.15 ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ. 12.10 «Турбинларнинг кунлари». Бадиий фильм. 1-серия. 21.15 Муаллифлик телевидениеси.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 82. ● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12